



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA PASPORT TIZIMINI TAKOMILLASHIRISHGA DOIR QŪSHIMCHA CHORA-TADBIRLAR TŪGRISIDA

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 23 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 4117- сонли Фармонида мувофиқ ҳамда замонавий халқаро стандартлар ва талабларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳаракатлиниш ҳужжатларини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Куйидагилар:
Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бўлмаган шахсларининг биометрик ҳаракатлиниш ҳужжати тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999

йил 26 февралда қабул қилинган ПФ – 2240-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг амалдаги паспорти ва фуқаролиги бўлмаган шахсининг тасдиқловчи гувоҳнома 2015 йил 31 декабргача ҳақиқийлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хўжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Хазраткулов) оммавий ахборот воситаларида (матбуот, телевидение, радиоэшиттириш) фуқаролар ўртасида мазкур Фармоннинг асосий қоидаларини кенг тарғиб қилиш бўйича чиқишлар ва мавзуга оид кўрсатувлар тайёрлашни таъминласин.
4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (Э.Ғаниев) белгиланган тартибда хорижий давлатлар ҳуқуқматларини, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотини ва Халқаро стандартлаштириш ташкилотини Ўзбекистонда миллий паспорт тизимини такомиллаштириш бўйича

амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида хабардор қилсин.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрда қабул қилинган ПФ – 3358-сонли Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатининг V бўлими куйидаги мазмундаги 7-банд билан тўлдирилсин:
«7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази».
6. Ўзбекистон Республи-

каси Ички ишлар вазирлиги (Б.Матлюбов) Адлия вазирлиги (Р.Муҳитдинов) ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.
7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти** **И.КАРИМОВ**


Тошкент шаҳри,
2011 йил 5 январь

14-yanvar — Vatan himoyachilari kuni

МАРДЛИК ТИМСОЛИ

Қадимдан ота-боболаримиз фарзандлар тарбиясида ватанпарварлик хусусиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратганлар. Бунда улар орият, гурур ва садоқат тушунчаларини ҳамма нарсадан устун қўйишгани эътиборлидир. Ана шундай тарбия таъсирида улгаювчи юртимиз ўғлонлари ўз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчни адо этишга бел боғларкан, Ватани олдида шаъни ва ор-номусини ўртага қўйиб қасамёд қабул қилди. Унда аскарнинг меҳрибон ота-онасига фарзандлик бурчи, унинг-ўсган муқаддас тупроғига бўлган муҳаббати, эл-юртига садоқати муҳасам бўлади. Мазкур ҳарбий қасамёд лаҳзаларидаги ҳаяжон уларни бир умр тарк этмайди ва ўша дақиқаларда ўз она Ватани дахлсизлигини таъминлаш учун масъул эканлигини ҳис этиб туришига хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда.)



**GAZETANI
BARAQLAGANDA:**

**TAJRIBA-
TADKIKOT
MAIDONLARIDA**
педагогик техноло-
гиялар самарадорлиги
аниқланади
3-бет

**АДАБИЙ
ИНШО**
7-бет

Умумий ўрта таълим
мактаблари
ўқувчиларининг Давлат
таълим стандартларини
ўзлаштириш мониторинги
ва фанлар бўйича
билимлар синовларини
ўтказиш тўғрисида
НИЗОМ
8—9-бетлар

**ИХЧАМ
ВА ҚУЛАЙ
“ХОТИРА”**
12-бет

(Давоми.
Боши 1-бетда.)

Харбий қасамёд онларини ўзида акс эттирган пойтахтимиздаги Ватанга қасамёд мажмуасининг очилганига ҳам бир йил бўлди. Шу ўтган вақт давомида мазкур жой зиёратчилар доимий ташриф буюрадиган маконга айланиб улгурди. Айниқса, кўзлари чакнаб турган ўғлон онасининг дуоси остида мамлакатимиз байрогини кўзларига тўтиё қилиб, халқимизнинг тинч, фаровон ҳаётини ҳимоялашга, мамлакатимиз равнақи ва истиқболли учун курашга онт ичаётган аскар ҳайкали ёш авлодди мардлик ва матонат руҳида тарбиялашда улар учун маънавий ибрат тимсолига айланди. Экскурсияга келган болалар қиёфасида мардлик ва жасорат белгиси акс этиб турган ҳайкал қаршида бир дам бўлса-да тўхтаб, ўзи билан ўзи фикрлашади.

МАРДЛИК ТИМСОЛИ

Унинг маъно-мазмунини тушунишга ҳаракат қилади. Бу эса мурғак қалб соҳиблари тасаввурида қаҳрамон сиймоси пайдо бўлиши ва бунинг ёрдамида уларнинг келгусида ватанпарвар, ҳарбий касб эгаси бўлишга иштиёқ туғилишига хизмат қилиши шубҳасиз.

— Болагимдан ҳарбий бўлишга қизиққанман, — дейди Мудофаа вазирлиги қошидаги 39290-ҳарбий қисмда ўз йигитлик бурчини ўтаётган бухоролик оддий аскар Шухрат Мирзоев. — Ватанга қасамёд мажмуасини уйда телевизор орқали кўрганимда ҳайкал пойида бир муддат ўзимни

Ватанимга, эл-юртимга қасамёд қилаётгандек тасаввур қилган эдим. Тақдирни қарангки, мана шу мажмуа ёнида илк қасамёд

14-yanvar — Vatan himoyachilari kuni

қабул қилган ҳарбийлардан бири бўлдим. Ўша пайтдаги ҳаяжонли дақиқалар юрагимда бир умрга муҳрланиб қолди ва ҳар сафар монументга кўзим тушганида дуо бераётган онам кўз олдимга келади ва мени хушёр туришга ундаётгандек бўлади. Шунда ҳарбий бўлиш ҳақидаги мақсадим янада қатъийлашади. Насиб қилса, шартнома асосида хизматда қолмоқчиман.

Тошкент олий умумқўшун қўмондонлик билим юрти курсанти Бобомурод Ортиқов ҳам курсдошлари билан бирга мажмуа қошига тез-тез келиб туради. Унинг айтишича, мазкур тимсол нафақат бўлажақ ҳарбийларнинг, балки барча ёшларнинг ҳам дунёқарашларини кенгайтиришга катта ҳисса қўшади. Сабаби, монументга кўзи тушганда ана шу минбарда бир бор бўлса-да ўзини тасаввур қилиб кўради. Она-Ватанининг, халқининг тинчлигини ҳамиша ҳимоя қилиш йўлида қасамёд қабул қилиш нечоғли шарафли эканлигини ҳис қилади.

— Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, — дейди у, — ушбу монумент биз каби ёшларни улуг мақсадлар сари қорлайдиган кўрғон сифатида қад кўтарди, десам адашмаган бўламан. Келгусида билим юртида мукамал билим олиб интеллектуал салоҳиятли ҳақиқий профессионал офицер бўлишни ўз олдимга мақсад қилганман ва ҳар гал бу ерга келганимда гайратимга гайрат қўшилади.

Дарҳақиқат, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, «бу бетакрор мажмуани бир кўрган одам, ўйламанки, юраги жизиллаб, унинг маъносини тушуниб, англаб, бу ҳайкални авваламбор, Ватанга садоқат, мардлик ва жасорат мадҳияси, эл-юрт ҳимоячиси бўлган фидойи инсонларга қўйилган гўзал бадиий обида сифатида қабул қилади».

Аброр УМАРКУЛОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

КОНЦЕПЦИЯНИ ЎРГАНИШГА БАФИШЛАНДИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўша мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузаси таълим тизимининг барча бўғинларида чуқур ўрганилмоқда.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан шу муносабат билан ташкил этилган навбатдаги ўқув-семинарда пойтахтимиздаги умумий ўрта таълим мактаблари директорлари, услубчилар, олимлар, маънавият тарғиботчилари ва ҳуқуқшунослар иштирок этди.

Ўзбекистон Халқ таълими

вазирининг ўринбосари А.Холбеков, Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М.Қуронов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Концепция мазмун-моҳиятини ёш авлодга чуқур тушуштириш мамлакатимиздаги демократик ислохотлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлишини алоҳида таъкидлади. Юртимизда ёшларга замонавий асосда таълим-тарбия берилаётгани юқори малакали ва рақобатбардор мутахассис кадрларни тайёрлашга хизмат қилаётди.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасидан келиб чиқадиган қоида ва хулосалар мазмун-моҳиятини ўрта таъ-

лим мактабларида ўқувчи-ёшларга самарали ва таъсирчан тарзда тушуштириш мақсадида факультатив машғулотлар ва очик дарслар ўтказилмоқда. Унда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самаралари илғор педагогик технологиялар асосида, интерфаол усулларда тушуштириляпти.

Ўқув-семинарда бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Назокат УСМОНОВА,
Ўза муҳбири

ЎЗЛАШТИРИШ МОНИТОРИНГИ ВА БИЛИМЛАР СИНОВИ

тизимли, ҳолисона таҳлилни таъминлайди


Ўқувчи билими таълимдаги ислохотлар самарасини кўрсатувчи асосий омилдир. Шу боис Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим сифатини мунтазам ошириб бориш мақсадида умумий ўрта таълим мактаблари ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари фаолиятининг мониторингини олиб бориш, ҳолисона баҳо бериш ҳамда рейтингини аниқлаш тизимини такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бу борада вазирликнинг 2010 йил 30 декабрдаги «Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг Давлат таълим стандартларини ўзлаштириш мониторинги ва фанлар бўйича билимлар синовларини ўтказиш тўғрисида»ги буйруғининг қабул қилиниши мазкур ишлар кўлами ва сифатини янада ошириш, йўл қўйилаётган айрим камчиликларга барҳам бериш, шунингдек, иқтидорли ўқувчиларни излаб топиш, уларнинг қобилиятларини рўёбга

чиқариш учун етарли шарт-шароит яратиш, фаол педагогик жамоаларни рағбатлантириш каби яна кўплаб долзарб вазифаларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Юқоридаги буйруқ асосида «Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг Давлат таълим стандартларини ўзлаштириш мониторинги ва фанлар бўйича билимлар синовларини ўтказиш тўғрисида» Низом тасдиқланди. Қайд этиш лозимки, мазкур Низом мониторинг жараёнининг ҳолислиги ва натижавийлигини таъминлаш, умумтаълим мактабларида ДТС талабларининг бажарилиш ҳолатини ўрганиб, таҳлил қилиб бориш, ўқувчилар билимларидаги бўшлиқларни тўлдириш, ҳар бир мактаб, уларнинг раҳбарлари, ўқитувчилар ҳамда халқ таълимининг ҳудудий бошқарув идоралари фаолиятига баҳо бериш ва рейтингини аниқлашдан иборат тизимни тартибга солади.

Низомнинг тўлиқ матни билан газетамизнинг 8-9-бетларида танишишингиз мумкин.



ТАЪТИЛДАГИ МАШҒУЛОТЛАР

Жорий йилнинг 4 январида Қибрай туманидаги «Ботаника» санаторийида Гулистон давлат университети маъмурияти, кассаба уюшмаси қўмитаси ва «Қамолот» ЕИХ ташаббуси билан олти йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Қамолот – келажак таянчи» қишки фаоллар мактабининг навбатдаги машғулотлари бошланди.

Маъсус танлов асосида саралаб олинган 50 нафар ҳар томонлама фаол, иқтидорли, ўқув жараёнидан ташқари жамоат ишларида илғор бўлган университет талабалари қишки таътилни мазмунли ўтказиш билан бирга Республикада кўзга кўринган Давлат ва фан арбобларининг иш фаолияти билан танишишди. Фан, маданият, ишлаб чиқариш соҳалари илғор вакиллариининг жамиятда бўлаётган туб ислохотларга муносабатларини ўрганиб, замонавий раҳбар, етакчи, сардор қандай бўлиши кераклигини психоаналитик таҳлилдан ўтказдилар. Шунингдек, қишки таътил кунларида улар гуруҳлар ўртасида ўтказиладиган қизиқарли мусобақалар, танловларнинг фаол иштирокчиларига айланадилар. Шу билан бирга Тошкент шаҳрининг тарихий обидалари ва диққатга сазовор жойларини томоша қилишди.

Тадбир тафсилоти билан газетамизнинг навбатдаги сонида батафсил танишасиз.

Дилфуза ТОШКЕНБОВА

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



Ўқувчиларга чуқур билим бериш учун бугуннинг устозига қандай ёрдам бериш мумкин? Хозир умумтаълим мактабларимиздаги моддий, техник ва технологик таъминот ҳар қандай ривожланган мамлакатларникидан қолишмайди. Ҳаётининг шохлари, унинг обрў ва нуфузи, моддий ва маънавий кўлаб-қувватланиши ҳам ҳавас қилса аргизулик. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ижроси натижасида мактабларимизда фарзандларимизнинг ҳар томонлама чуқур ва пухта билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Галдаги вазифа эса таълим-тарбия жараёнини мазмунан такомиллаштириш, уни сифат жиҳатдан тамоман янги босқичга кўтаришдан иборатдир.

Тараққиёт шиддати билан ҳаёт тарзимиизга кириб келадиган бир-биридан мураккаб техника ва технологиялар фарзандларимиз онгу шууридан ҳам мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Бундай вазиятда ўқувчи бирор янги билим бериш, уни ўқиш ва изланишга ўргатиш учун ўқитувчидан жуда катта маҳорат талаб қилиниши бор гап. Табиийки, бу жараён касбини севган, ардоқлаган ва таъбир жоиз бўлса, ўзини ҳурмат

қилган ҳар бир педагогни изланишга, янгидан-янги педагогик усул ва услублар, технологияларни ўрганишга, кашф қилишга ундамоқда.

Яқинда Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган «Илгор педагогик технологиялар бўйича тажриба-тадқиқот майдонлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги буйруқ ушбу кенг кўламли тажрибаларни тизимга солиш, ривожлантириш, оммалаштириш ва энг маълумларини танлаб олиш

ҳамда таълим жараёнида юқори самарадорлиқни таъминлашга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга. Унга кўра, умумий ўрта таълимнинг узвийлаштирилган ДТС ва ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган педагогик технологияларни тизимга келтириш ва синовдан ўтказиш мақсадида республика бўйича жами 28та мактабда «Тажриба-тадқиқот майдонлари» ташкил этилди. Хўш, ушбу тажриба-тадқиқот майдонларининг фаолияти нисмалардан иборат бўлади? Унинг ишлаш механизми қандай йўлга қўйилмоқда ва қутилаётган натижалар нисмалардан иборат? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида Республика таълим маркази директори ўринбосари Нарзиқул Турдиевга мурожаат қилдик.

иш тажрибаларни ўрганиши, методлар, усуллар ва воситалардан дарс жараёнида фойдаланиб, таҳлил қилиб бориши ва ўтилган дарсининг самарадорлигини аниқлаши;

— илгор педагогик технологияларни ўқув фани ҳамда дарс мақсадида мувофиқ танлай олиши ва амалиётга таъбиқ этиши;

— интерфаол дарс шаклининг аънавий дарсадан устунлигини англаши ва ҳар иккала дарс шаклларидаги ўринли фойдаланиш малакасига эга бўлиши;

— ўқувчи шахсий сифатларидаги ўзига хослик муносабатларини яқдиллик билан англай олиши ва индивидуал маҳорат орқали ёндашиш малакасига эга бўлиши;

— дарс мақсадларига эришиш йўллари биллиши, дарс босқичлари таркибий тузилишига тўлиқ таяниши лозим.

— Тадқиқотчи-ўқитувчилар ўзларига юклатилган ушбу вазифаларни тўлақонли бажара олишлари

Yangi o'quv yili yangiliklari amalda

ТАЖРИБА-ТАДҚИҚОТ МАЙДОНЛАРИДА

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИ АНИҚЛанади

— Аввало таъкидлаш лозимки, ушбу буйруқнинг амалиётга жорий этилиши таълим самарадорлигида сезиларли ижобий ўзгаришларга омили бўлиши шубҳасиз, — дейди Н.Турдиев. — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 17 мартдаги «Халқ таълими тизими фаолиятини мазмунан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси»да таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш, ўқитувчиларни илгор педагогик технологиялар билан қуроллантириш ва улар асосида дарс машғулотларини мазмунли ташкил этиш, ўқувчиларни ҳар қандай вазиятга ўзининг соғлом фикри билан муносабат билдира оладиган баркамол шахслар этиб тарбиялаш каби вазифалар кўрсатиб ўтилган эди. Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида мамлакатимиз умумий ўрта таълим тизимида қўлланилиши мумкин бўлган педагогик технологиялар ўрганилиб, эксперт гуруҳи томонидан тўрт йўналишда шакллантирилди.

Бу ишларга олимлар, соҳа мутахассислари, методистлар ва амалиётчи-ўқитувчилар жалб этилди. Айни пайтда ўқитувчилар томонидан дарс жараёнида қўлланилиб келаётган педагогик технологиялар ва уларнинг турли элементлари, хорижий ва маҳаллий таълим технологиялари экспертизадан ўтказилди. Экспертиза хулосалари асосида хорижий ва маҳаллий таълим технологияларидан маъқулланганларини дарс жараёнида самарали қўллашга эришиш мақсадида уларни умумтаълим мактабларида тажрибадан ўтказиш режалаштирилди. Шу мақсадда республикамизнинг барча ҳудудларидаги 28та умумий ўрта таълим мактабларида тажриба-тадқиқот майдонлари ташкил этилди.

— Мактабларни тажриба-тадқиқот майдонлари сифатида танлаб олишда қайси омилларга эътибор қаратилди ва ушбу майдончаларнинг фаолияти қандай ташкил этилди?

—Тажриба-тадқиқот ишлари, аввалги тажриба-синов жараёнларидан фарқли равишда, бир умумий ўрта таълим мактабида барча фан йўналишлари бўйича, яъни табиий (география, кимё, биология, физика), аниқ (математика, информатика), ижтимоий (тарих, ҳуқуқ, иқтисодий билим асослари, миллий истиклол ғояси туркумига кирувчи фанлар), гуманитар (она тили ва адабиёт, ўзбек тили, хорижий тиллар) фанлар бўйича ташкил этилади. Шу босқич тажриба-тадқиқот майдонлари этиб танланган мактабларнинг педагогик жамоаси салоҳияти, раҳбарларнинг ташкилотчилик қобилияти, ўша мактабларда кўп йиллик яхши аънаваларнинг мавжудлиги ва таълим муассасасининг моддий-техник базаси каби омилларга эътибор қаратилди.

Агар номлаштига эътибор қаратган бўлсангиз, мазкур муассасалар тажриба-тадқиқотлар эмас, тажриба-тадқиқот

қот майдонлари, деб аталмоқда. Тадқиқот жуда кенг маънони ўз ичига олиши барчамизга маълум.

Энди тадқиқотчи-ўқитувчи нафақат тақдим этилган турли педагогик усулларни тажрибадан ўтказиш, балки, уларни мувофиқлаштириш, такомиллаштириш, талабга жавоб бермайдиган усуллардан воз кечиш, янги самарадор технологияларни жорий этиш каби вазифаларни бажаради. Умуман айтганда, доимий тадқиқот марказларимиз бўлиб қолади. Энди тажриба-тадқиқот майдонлари ва тадқиқотчи-ўқитувчиларнинг фаолият механизми ҳақда кичкина тўхталиб ўтсак. Биринчи навбатда, ҳар бир фан ўқитувчиси оптималлаштирилган ўқув дастуридаги мавзуларни синчиқлаб кўздан кечириши ва улар орасидан нисбатан мураккаброқ бўлган мавзуларни ажратиб олади. Республика таълим маркази томонидан ҳам ана шундай мавзулар бўйича ишланган дарс ишланмалари ва амалиётда қўллаб қўришлари учун 118та инновацион педагогик технологиялар тақдим этилган. Ҳар бир РТМ томонидан берилган мураккаб мавзулар ва ўзи танлаб олган мавзуларни солиштириб чиқди. Шундан сўнг умумий тақвим-мавзу режасидан ана шу мураккаб мавзулар қайси кун, нечаничи соатда ўтилишини аниқлаб, таълим муассасаси директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарига тақдим этилди. У эса ўз навбатида барча фан ўқитувчиларидан ана шундай рўйхатларни олгач, алоҳида жадвал тузади. Жадвал директор томонидан тасдиқланиб, қўриқарили жойга осиб қўйилади. Ҳар бир фан ўқитувчиси билан келишган ҳолда дарсга қимиларни тақлиф этишни белгилайди. Ўқувчи лозимки, тадқиқот сифатида ўтиляётган дарсларда кузатувчи бўлиши мақсадга мувофиқ. Унда ўқитувчи, метод-бирлашма аъзоси, мактаб раҳбарияти вакили, туман методика кабинети методисти, вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда вилоят методика маркази мутахассислари иштирок этиши лозим.

Ҳар бир дарсининг аниқ технологик харитасини тузади. Шу ўринда дарсга тайёргарлик қўришга кетган вақт, сарф этилган қўшимча моддий ресурсларни қайд этиб қўяди. Негаки, тақлиф этилаётган инновацион педагогик технологиянинг аниқ самарасини билиш учун сарфланган вақт ва моддий ресурслар қийматини таққослаш ва шундан келиб чиққан ҳолда эришилган натижа сарфланган «буромад»га арзийдими ёки йўқми, деган саволга жавоб топиш лозим. Чунки, қайсибир бир янги педагогик технология ўқитувчидан жуда кўп вақт ҳамда ортиқча қўшимча ресурслар талаб этсаю, ўзлаштириш самарадорлиги шунга яраша бўлмаса, табиийки, бундай технологиядан воз кечилди.

Тадқиқотчи-ўқитувчи ана шундай тадқиқотчилик салоҳиятига эга бўлиши лозим. Дарс тугагач, шу заҳоти ўтилган дарс қандай ўзлаштирилганлигини аниқлаш учун ўқувчилардан қисқа муддатли (8-12 дақиқа) назорат иши олинади. Назорат натижасига кўра 5 баллик тизимда ўртача баҳо чиқарилади. Шундан сўнг дарс таҳлили мезонига кўра таҳлил ўтказилади ва бу ҳақда баённома тузилади. Бу билан қўлланилган педагогик технология самарадорлигига баҳо берилади. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тақдим этилган баённомалар асосида хулоса чиқаради.

—Тажриба-тадқиқот майдонлари фаолияти самарадорлигида тадқиқотчи-ўқитувчи, мактаб директори, методист ва бошқа мутасаддилар зиммасига яна қандай масъулият юкланади?

— Ушбу тажриба-тадқиқот ишларини самарали ташкил этишда методик хизматни амалга оширувчи Республика таълим маркази, Т.Н. Қўри Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, вилоят методика маркази, туман методика кабинети, мактаб раҳбарияти, фан методбирлашмалари ҳамкорликда режа асосида ишчи методик хизмат кўрсатишлари талаб этилади. Бунинг учун биринчи навбатда тажриба-тадқиқот майдонларидаги ўқитувчининг касбий маҳоратини ривожлантиришга оид ишларни босқичма-босқич амалга ошириш зарур. Яъни: ўқув хоналарининг ҳиҳозланиши, техник ва методик таъминоти тўғрисидаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда аниқланган камчиликларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатиш; ўқитувчининг белгиланган дастур-режа асосида топшириқларни ўз муддатида, шошма-шошарликка йўл қўймасдан, натижавийлигини кафолатлаган ҳолда бажариши учун методист ва таълим муассасаси директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари мунтазам амалий ёрдамчи режалаштириши лозим. Жумладан, ўқитувчи дарсларини ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини таҳлил қилиш ва ўқитувчи фаолиятидаги мавжуд бўлишларини аниқлаб, зарурий эҳтиёжлар рўйхатини тайёрлаш ва бу борада методик ёрдам кўрсатиш; ўқитувчининг мустақил ўз устида ишлаш режасини тузишда амалий ёрдам бериш муҳим аҳамият касб этади. Тажриба-тадқиқот майдонларининг тадқиқотчи-ўқитувчилари қуйидагиларни билиши ва амал қилиши лозим:

— педагогик тамойилларга тўлақонли амал қилиш баробарида ўз устида доимий изланишлар олиб бориши, яъни илмий, методик китобларни ўқиши, бугунги кунда дунё давлатлари, мамлакатимиздаги мавжуд илгор

ушбу уларга қандай амалий ёрдамлар кўрсатилади?

— Ҳақиқатдан ҳам, тажриба-тадқиқот майдонларининг тадқиқотчи-ўқитувчиларини фанлар бўйича методик таъминлаш ва эҳтиёжлари асосида керакли методик материаллар етказиб бериш ҳам асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда Республика таълим маркази томонидан тажриба-тадқиқот майдонлари фаолиятини йўналтирувчи ҳамда ўқитувчилар фойдаланишига мўлжалланган мажмуавий методик материаллар CD дискларда тақдим этилди.

Тажриба-тадқиқот жараёни бир қанча масъул ходимлар: ўқитувчи, методист ва илмий раҳбарлар ҳамкорликда амалга ошириладиган катта миқёсдаги фаолият бўлиб, мазкур жараён ишчи ва мукамал таҳлилни талаб этади. Бунинг учун тажриба-тадқиқот жараёнининг ҳар бир поғонасида ходимлар ўз фаолиятлари юзасидан мунтазам кузатув юритиб боришлари лозим бўлади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда «Умумий ўрта таълим мактабларида тажриба-тадқиқот майдонлари фаолиятини ташкил этиш» тўғрисидаги Йўриқнома, «Педагогик технологиялар тажриба-тадқиқоти» номили тавсияда масъулларнинг мажбуриятлари, иш мазмуни ҳамда тажриба-тадқиқот дастури барча тажриба-тадқиқот майдонларида тақдим этилди. Шунингдек, «Ижтимоий фанларни ўқитишда интерфаол ўқитиш методлари», «Аниқ фанларни ўқитишда интерфаол ўқитиш методлари», «Табиий фанларни ўқитишда интерфаол ўқитиш методлари», «Гуманитар фанларни ўқитишда интерфаол ўқитиш методлари» номили қўлланмаларда эса тажриба-тадқиқот майдонларида жорий этилиши лозим бўлган педагогик технологиялар турлари ва уларни ўқув жараёнида қўллаш методикаси ўз ифодасини топган. Барча фанлардан чоракма-чорак тайёрланган тавсиялар ва педагогик технологиялар асосидаги намунавий дарс ишланмалари ҳам берилган.

Қайд этиш жоизки, методик хизмат кўрсатиш жараёнида асосий бюртмачи эксперт ўқитувчи ҳисобланади. Уларга амалий-методик ёрдам кўрсатиш, ўқув-тарбия жараёнига муаммосиз тўлақонли тайёр ҳолда киришлари учун қайси йўналишда билим, янгиликлар ва қўшимча материаллар зарурлиги ҳақида тажриба-тадқиқот майдонларига масъул методистларга, улар ўз навбатида Республика таълим марказига мурожаат этиши лозим. Шунда тажриба-тадқиқот майдонларидаги ишлар самарадорлигини таъминлаш учун керакли бўлган мақсадли методик хизмат кўрсатиш имконияти вуҳудга келади.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Бахтиёр ЁҚУБОВ суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2010 ЙИЛ 18 ИЮНДАГИ «ДАВЛАТ МАХСУС МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА НАВОЙЙ ШАҲРИДА КЎПИХТИСОСЛИ МАХСУС МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Ақлий ва жисмоний ривожланишда нуқсон бўлган болалар тарбияланаётган мазкур муассасада хайрия марафони бўлиб ўтди. Муассаса жамоаси ва вилоят халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган марафонда вилоят ташкилотлари, турли таълим муассасалари ҳам иштирок этиб, муассаса тарбияланувчиларига ёрдам кўрсатишди. Ташкилотлар ва таълим муассасалари томонидан тақдим этилган телевизор, чапгютик, мебеллар, гилам, парда, ошхона жиҳозлари, болалар ўйинчоқлари, ногиронлар аравачалари, ширинлик ва озиқ-овқат маҳсулотлари болалар қалбига бир олам қувонч ва шодлик улашди.

Раъно РАБИМОВА

Навоий вилояти

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ХАМДА «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТҚ ҲАМКОРЛИГИДА «ВАТАН РАВНАҚИ ЙЎЛИДА БИРЛАШАЙЛИК» ШИОРИ ОСТИДА ҚОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСА ЁШЛАРИНИНГ II РЕСПУБЛИКА АНЖУМАНИ ЎТҚАЗИЛДИ.

Янги йилнинг илк кунларида ташкил этилган анжуманга юртимизнинг барча ҳудудларидан «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилот етакчилари ташриф буюришди.

— Бундай тадбирлар, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова, — ёшларнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ҳаётга янгича кўз билан қараш, уларни соғлом турмуш тарзига тарғибли қилиш, энг муҳими, Ватан равнақи йўлида бирлаштиришга хизмат қилади.

Даврон СУННАТОВ,
ЎЗМУ талабаси

САЙЁҲЛИК СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯДА ШУЛАР ҲАҚИДА СЎЗ БОРДИ.

«Ўзбекистон» миллий компанияси ҳамда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда мамлакатимизнинг ушбу соҳа учун кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртли раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар, экспертлар ва олимлар иштирок этди.

ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ЯНГИ ЙИЛНИ ХАЙРЛИ ТАДБИР БИЛАН БОШЛАДИ.

Кенгаш томонидан соҳа ходимларининг ногирон фарзандлари учун байрам дастурхони ёзилди, уларга театрлаштирилган томошалар намойиш қилинди, Қорбобо ва Қорқизнинг совғалари топширилди.

— Назаримда, йилни хайрли бошлашимиз кейинги фаолиятимизнинг кўнгилдагидек кечишига туртки бўлади, — дейди кенгаш раиси Муяссар Раҳимова. — Болалар юзидagi қувончи, ота-оналари кўзларида балқиган севинч ёшини кўрганда ўзимнинг ҳам қалбим тўлқинланиб кетди.

Бу йилги арча байрамига 60дан зиёд болажонлар тақдиф қилинди. Улар учун Огаҳий номидаги вилоят театри актёрлари томонидан «Қиш эртаги» намойиш қилинди. Болажонлар ҳам эртак иштирокчиларига айланишди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА

ПОЙТАХТИМИЗДА «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ҚОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТЎГАН ЁШЛАРИНИНГ ИККИНЧИ РЕСПУБЛИКА АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

Мазкур анжуман доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ташаббуси билан мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг ўрнига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда депутатлар, тегишли вазирлик, идоралар ва жамоат ташкилотлари вакиллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари қатнашди.

Тадбирда ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, жамиятимизнинг етакчи қучиқа айлантириш, иқтисодийнинг турли соҳалари учун юқори малакали ва рақобатбардош мутахассис-кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.



ЧИРЧИК ШАҲРИДАГИ «БЎСТОН» ДАМ ОЛИШ МАСКАНИДА ЗАМОНАВИЙ ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ЭГА БЎЛГАН ЯНГИ БОЛАЛАР ОРОМҒОҲИ ИШ БОШЛАДИ.

Халқ таълими вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва Россиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган болалар оромгоҳи ҳам худди шу мақсадга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, ногирон болалар саломадлигини тиклашга қаратилган хайрия ва маданий-маърифий лойиҳаларни амалга оширишда маҳаллий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Жамғарма ва Россиянинг юртимиздаги элчихонаси ўртасида имзоланган келишувга асосан ўтган йилнинг январь ойида 9 ёшдан 12 ёшгача бўлган 220 нафар бола қишки таътилни «Бўстон» сихатгоҳида ўтказган эди. Жорий йилда ҳам мазкур масканда Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятлари Фарғона водийси ва Тошкент шаҳридан кам таъминланган оила фарзандлари, жами 225 нафар бола мактаб таътилини мазмунли ўтказаяптилар. Айни пайтда бу ерга халқ таълими тизимининг 20 нафар малакали педагог-тарбиячи ва етакчилари жалб этилган.

Оромгоҳнинг очилиш маросимида ҳамкор ташкилотлар вакиллари, оромгоҳда дам олаётган болажонлар иштирок этди. Болажонлар томонидан намойиш этилган маданий тадбир дастури йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир сўнгида болажонларга эсдалик совғалари топширилди.

Наргиза АСАДОВА,
«Туркистон-пресс»

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ПАХТАОБОД ТУМАНИДАГИ «ШИРИН-ЛАЗЗАТ ИНВЕСТ» ҚОРХОНАСИНИНГ РАҲБАРИ ҲАЁТХОН РАҲИМОВА 31-СОҢЛИ МЕҲРИБОНЛИК УЙИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ УЧУН БЕПУЛ ЎҚУВ КУРСЛАРИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

Бу ерда тарбияланаётган юқори синф ўқувчилари пазандалик ва бичиш-тикиш бўйича касб ўрганиш имкониятига эга бўлди. Меҳрибонлик уйи маъмурияти томонидан ўқув курсларини профессионал ташкил этиш учун синф хоналари ва устахоналар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Бу савобли иш Ҳаётхон Раҳимова томонидан биринчи мартаба амалга ошириляётгани йўқ. У олдинроқ турмуш ўртоғи билан бирга туман ҳокимлиги кўмағида туман марказида ёшлар учун 120 ўринли ўқув марказини ташкил этган эди.

Ўтган йили бу тадбиркор «Йил аёли — 2010» кўрик-танловининг вилоят босқичи голиби деб топилди. Республика босқичида «Энг муруватли ёш авлод тарбиячиси» номинациясини кўлга киритди.

— Мамлакатимиз Президенти томонидан хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яхши имкониятлар яратилмоқда, — деди Ҳ.Раҳимова. — Бундай шароитда ҳаракат қилмаслик, ишламаслик, изланмаслик гуноҳ. Ўзбек халқида «Бир болага етти кўшни ота-она», деган ҳикматли нақл бор. Ёш авлод тарбиясида нафақат оила, балки барчамиз масъулмиз. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да эса бу борадаги саъй-ҳаракатлар кўлами янада ошишига ишончимиз комил.

«Туркистон-пресс»

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ МИРОБОД ТУМАНИДАГИ 110-МАКТАБДА ХАМ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ ТАЪТИЛИНИ МАЗМУНЛИ ЎТҚАЗИШ МАҚСАДИДА ТУРЛИ БАЙРАМ ДАСТУРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Жумладан, илм маскани худудидаги «Минг-ўрик», «Афросиёб» маҳаллалари болалари билан биргаликда уюштирилган маънавий-маърифий тадбирда ўқувчилар ўзларининг мусиқий дастурини намойиш этдилар. Турли эртак қаҳрамонлари, уй хайвонлари қиёфасидаги сахна кўринишлари нафақат болажонларда, балки уларнинг ота-оналари ҳам байрамона таассурот қолдирди. Шунингдек, тадбирдан турли спорт мусобақаларининг ҳам ўрин олганлиги байрамнинг кўтаринки руҳда ўтишини таъминлади.

Таътилни мазмунли ўтказаяётган болалар завқ-шавқ билан мактаб кучоғига қайтишлари, шубҳасиз.

МУҲБИРИМИЗ

ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИШ МАҚСАДИДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ «ТУРОН» АХБОРОТ-КУЛЬТУРА МАРКАЗИ ҲОВЛИСИДА «ЭРТАКЛАР ШАҲАРЧАСИ» БЎНЁД ЭТИЛГАНДИ.

Яқинда бу ерда Ўрта Масжид, Муқимий, Бинокор, Қўйлик ота маҳалла фаоллари, Ҳамза тумани ҳокимияти, Ёшлар уйи маркази жамоалари, болалар боғчалари ва мактаблар иштирокида «Арча, арча, арчажон» деб номланган оммавий тадбир ўтказилди.

Тадбир марказ ходими Д.Турсиматова томонидан тузилган байрам сценарийси асосида янги йил кўшиғи билан бошланди. Қорбобо ва Қорқиз ташрифидан диллари яйраган болажонлар ранг-баранг чироқлари, ўйинчоқлари порлаб турган арча атрофида турли эртак қаҳрамонлари билан рақса тушдилар. 147-МТМ ходимлари тайёрлаган «Омадли кўён» эртаги, марказ фойдаланувчилари томонидан тузилган гуруҳнинг театрлаштирилган сахна кўринишлари ва мусиқий чиқишлар йиғилганларга хуш кайфият улашди. Барчани фаолликка, баҳс-мунозарга чорлаган «Янги йил» викторинаси иштирокчиларнинг зукколик, китобхонлик ва билимдонликларини яна бир бор синовдан ўтказди.

Тадбир сўнгида викторина голибларига, шеър ва кўшиқ ижро этган болаларга янги йил совғалари берилди.

Дилшод КАРИМОВ

ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИ

билим олишга рағбат, юксалишга пиллапоя бўлмоқда

Ўзининг ўткир зеҳни, кенг дунёқараши ва бетакрор қобилиятини намойиш этиш ҳар бир ўғил-қиз учун фахр. Мактаб партасида олган билимлари келгусида нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эга бўлишини яхши англаган ўқувчи билим ва тафаккур синовларида тинимсиз тобланишни орзу қилади. Бу синовларда тўплаган билим ва таҳрибалар вақти келиб ҳаётнинг қайсидир палласида асқотиши, зарурат ва эҳтиёжларини қондириши шубҳасиз. Биргаликда таълим-тарбия олиб вояга етатган ўқувчилар турли билим ва маҳорат имтиҳонларида бир-бирига дўстона рақиб сифатида дуч келишса, голиблик тинимсиз из-

ланишда эканини англайдилар. Хусусан, фан олимпиадаларининг энг мураккаб, таъбир жоиз бўлса энг масъулиятли мактаб bosqichida қизиқишлар, қобилиятлар ва имкониятларнинг бўй кўрсатишига шароит яратади. Юртимиз умумтаълим мактабларида бўлиб ўтган ана шу синовларда голибликни қўлга киритган ўқувчилар яна бир доvon — туман bosqichiga йўлланмани қўлга киритган эди. Айни дамда олимпиаданинг навбатдаги bosqichi қизгин паллага кирган. Айрим туманларда фан олимпиадасининг ҳар учала турлари якунланган бўлса, баъзи ҳудудларда эса ушбу жараён давом этмоқда.

КЕЙИНГИ БОСҚИЧ ИШТИРОКЧИЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги 298-мактабда фан олимпиадасининг туман bosqichi ўтказилди. Олимпиадада мактаб миқёсида бўлиб ўтган дастлабки bosqichida 1,2 ва 3-ўринларни қўлга киритган 1026 нафар ўқувчи билим ва иқтидорини синовдан ўтказди. Иштирокчилар 17та фан йўналишида ёзма иш, тест, оғзаки ҳамда амалий топшириқларни бажардилар.

Ўтган йиллардан фарқи равишда бу йилги имтиҳонлар иштирокчиларнинг мактаб bosqichida эгаллаган ўринларига қараб алоҳида аудиторияларда ташкил этилди. Муҳрланиб, махфийлиги сақланган барча тур савол ва топшириқлари, олимпиада қатнашчилари, ҳакамлар ҳайъати аъзолари ва кузатувчилар назорати остида очилди. Синовлар бошланди. Ҳар бир ўқувчи савол ва топшириқларга белгиланган

вақт ва қатъий мезонлар асосида жавоб бериб, эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини чиғирикдан ўтказдилар.

— Олимпиаданинг мактаб bosqichida таълим масканимиздаги 5—9-синф ўқувчилари фаол иштирок этдилар. Бунда ўқувчилар ихтиёрий равишда ўз қизиқишлари ва қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда маълум фандан синовдан ўтдилар. Ушбу bosqichida юқори урта ўринни қайд этган ўқувчилар мактаб раҳбарияти томонидан муносиб рағбатлантирилди. 1,2 ва 3-ўринни эгаллаган битирувчи синф ўқувчилари эса туман bosqichida иштирок этиш имкониятига эга бўлди. Жумладан, бизнинг мактабимизда она тили ва адабиёт фанидан 20 нафар 9-синф ўқувчиси олимпиаданинг дастлабки bosqichida қатнашиб, учта ўрин сохибла-

ри аниқланди. Улар билан навбатдаги bosqichiga ҳозирлик кўриш жараёнида нутқ ўстириш, ёзма ишларга тайёргарлик, дарслик ва бадий асарларни ўқишга эътибор қаратдик, — дейди Олмазор туманидаги 22-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Гулбахор Зафарова.

Олимпиада якунида барча қатнашчиларнинг вазифаларни қай даражада бажаргани таҳлил қилиниб, ҳакамлар ҳайъати томонидан энг яхши натижаларга эришган голиб ўқувчилар аниқланди. Олимпиаданинг туман bosqichida 1,2, ва 3-ўринни қўлга киритган ўқувчилар туман ҳалқ таълими бўлими томонидан рағбатлантирилди ва кейинчи bosqichida иштирок этиш имконини қўлга киритди.

Санжар РУСТАМОВ
«Ma'rifat» мухбири

ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛЯПТИ

Ҳар йили мактаб, туман ва вилоят bosqichlarida янги-янги иқтидор эгаларини кашф этаётган фан олимпиадалари нafaqat иштирокчи ўқувчилар, балки ularning ustozlari ва ota-onalari ҳаётида ҳам муҳим дақиқалар сифатида ёдда қолмоқда. Сурхондарё вилоятида ҳам минглаб ўқувчиларни қамраб олган фан олимпиадаларининг туман bosqichi кўплаб қобилиятларни юзага чиқарди, дейиш мумкин. Жумладан, Ангор туманида 540 нафар 9-синф ўқувчиси 15та фандан белгиланган тартибда синовларда иштирок этиб, голиблик учун курашдилар.

— Белгиланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўтказилган мактаб bosqichlarida энг иқтидорли ўқувчилар танлаб олинган эди, — дейди туман методика кабинети мудири Холмурод Бегимов. — Иккинчи bosqichida ҳам энг маҳоратли, вилоят синовларида туманимиз шаъни ва обрўсини ҳимоя қилишга қодир ўқувчиларни танлаб олиш учун имтиҳонларнинг ҳаққоний ўтишига эътибор қаратдик.

Норкуват Тўраев

173-мактабнинг биология фани ўқитувчиси

Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида фан олимпиадаларининг туман bosqichi бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Чилонзор туманидаги 200-мактабда барча фанлардан олимпиада синовлари ўтказилди. Бошқа фанлар сингари табиий фанлар бўйича ҳам дастлабки кунда назарий ва лаборатория топшириқлари бажарилди. Кейинги кунда эса тест синовлари ўтказилди.

Қатнашчилар орасида иқтидорли ўқувчиларнинг кўпчилиги қувонарди. Хусусан, 103-мактаб ўқувчиси физика фанидан 5та масалани энг содда усулда ечиб, ҳайъат аъзоларини ҳайратда қолдирди.

Шавкат КЕНЖАЕВ,
Чилонзор туманидаги ўқитувчиси

БИЛИМ ВА ИҚТИДОР НАМОЙИШИ


Фанлар олимпиадаси белгиланган Низом асосида Сирдарё вилоятида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. 5—9-синф ўқувчилари ўртасида ўтган 1-босқичда маъжуд 19та фандан жами 51136 нафар ўқувчи иштирок этди.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг 7779 нафари туман ва шаҳар bosqichlarida қатнашиб ҳуқуқини қўлга киритдилар. Бу ўқувчиларнинг 650 нафари эса фанлар олимпиадасининг вилоят bosqichida иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

— Фанлар олимпиадаси ўз номи билан билим ва иқтидорлар кўзгуси. Вилоятда таҳрибали ўқитувчилардан иборат 1000 нафардан зиёд ҳакамлар ҳайъати аъзолари фанлар олимпиадасини баҳолаш мезонлари асосида ўта талабчанлик билан ошқора ва ҳаққоний ўтказилиши учун ҳаракат қилдилар, — дейди вилоят Методика маркази директори Комилжон Ҳайитбоев.

Кеча фанлар олимпиадасининг туман ва шаҳар bosqichlari ниҳоясига етиб, голиб ўқувчилар сўнгги — вилоят bosqichida иштирок этиш учун тайёргарликни бошлаб юбордилар.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ



Олимпиада ўқувчиларининг фанлардан олган билимларини тақрорлаш ва синовдан ўтказиш жараёнидир. Унда иштирок этган ўқувчиларнинг қай даражада билимга эгаллиги мактаб ва ўқитувчиларнинг ҳам муайян ўринни белгилаб беради. Ана шу ўринни қўлдан бермасликни мақсад қилган ўқувчилар ўз билимларини тўлиқ намойиш этишга ҳаракат қилишди. Айни кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида фан олимпиадаларининг туман bosqichlari якунига етиб, III тур олимпиадаларида иштирок этувчи ўқувчиларнинг номи ҳам аниқлаб олинди. Юнусобод туманидаги 274-мактабда бўлиб ўтган II тур

КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ


олимпиадасида ўқувчилар 18та фан бўйича куч синашдилар. Оғзаки, ёзма, тест саволлари ҳамда амалий машғулотлардан иборат мазкур баҳсларда 528 нафар ўқувчи иштирок этди. Физика, биология ва химия фанларидан лаборатория машғулотлари самарали ташкил этилди. Информатика фани бўйича эса мактаб ўқувчиларининг тузган дастурлари синовдан ўтди.

Олимпиада натижалари шу куннинг ўзида ота-оналар ҳамда фан ўқитувчилари эътиборига ҳавола этилди. Энди



голиб деб эътироф этилган ўқувчилар ўз тумани шарафини III турда ҳимоя қиладилар.

Башорат ОТАЖОНОВА
Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



БАҲСЛАР ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТАПТИ

— Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг 2—3-курс ўқувчилари иштирок этаётган олимпиадада математика, информатика, тарих, ҳуқуқшунослик, иқтисодий билим асослари, география ва чизмачилик фанидан икки турда: тест синови, амалий иш, она тили ва адабиёт, ўзбек тили(таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳларда), рус тили (таълим ўзбек ва бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳларда), рус тили ва адабиёти (таълим ўзбек ва бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳларда), немис, француз, инглиз тили фанларидан уч турда: тест синови, оғзаки ва ёзма иш, физика, биология, химия фанларидан уч турда: тест синови, ёзма иш, лаборатория иши шаклида ўтказилиши режалаштирилган, — дейди Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бош бошқармаси мутахассиси Л.Аҳмедова. — Ҳозир ушбу жараён шаҳардаги 8та таълим муассасасида тасдиқланган махсус жадвал асосида қизгин давом этапти.

— Ўтган йилгидан фарқи ўлароқ, бу йилги олимпиада саволлари ўқувчини ўйлантирадиган, мулоҳаза қилишга чорлайдиган тарзда тузилган, — дейди география ва иқтисодий билим асослари фани бўйича ҳакамлар ҳайъати раиси Баҳодир Фойибназаров. — Бу эса ўқувчиларнинг иқтисодий билимларини оширишга хизмат қилади. Йилдан-йилга ўқувчилар ўртасида олимпиадага қизиқиш ортиб бормоқда. Айниқса, буни ularning ёзган жавобларида ҳам кузатса бўлади. Жумладан, улардаги тадбиркорлик, ишбилармонлик гоғялари ўқувчиларнинг фанлардан олган билимлари нечоғлиқ самара бераётганини кўрсатади.

Қизгин баҳслар бугун, яъни 8 январь кuni ниҳоясига етади.

Ҳ.РАЖАБОВА,
«Ma'rifat» мухбири

2011-yil — Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik yili

Ўзбекистон Республикаси Президент-и Ислам Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзuidaги маърузасини профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш йўналишида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ибратли ишлар амалга оширилади. Жумладан, яқинда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида вазирлик томонидан тайёрланган, Концепцияда илгари суртилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва янги поғонага олиб чиқишга қаратилган концептуал ташаббусларни профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ўртасида кенг муҳокама қилиш, унинг мазмун-моҳиятини чуқур

нинг иқтисодий йўналишдаги факультетлари деканлари ва кафедра мудири учун навбатдаги VII илмий-услубий анжуман ташкил этилди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ташаббуси билан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу анжуманда иқтисодий таълим модернизацияси ва инновацион электрон ахборот-ресурс таъминоти истиқболларига оид масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, иқтисодиёт соҳасига доир қонунчилик, ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон ахборот-ресурс манбаларидан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари билан илмий-инновацион ҳамкорлик натижаларини ўқув жараёнида қўллаш, иқтисодий таълимни

ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ СЕМИНАР

УНДА ИҚТИСОДИЁТ ВА БИЗНЕС МАВЗУЛАРИ КЕНГ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

ўрганиш мақсади қўзланган ўқув-услубий мажмуанинг тақдими бўлиб ўтди. Ушбу тadbirда вазирликнинг мутасадди вакиллари, республикадаги барча олий таълим муассасаларининг иқтисодий йўналишдаги факультетлари деканлари ва кафедра мудири, университетнинг профессор-ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидлаш ўринлики, давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш буйича бир қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Концепцияда белгиланган эркин ҳуқуқий-демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги устувор йўналишларни кенг жамоатчилик, хусусан олий таълим тизимида ўрганиш, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари, қонун устуворлиги, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш каби жамиятнинг бир қатор соҳаларига доир қонунчилик ташаббусларининг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига синдириш ва уларда дахлдорлик ҳиссини шакллантириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Чунончи, ўқув-услубий мажмуада Концепцияни олий таълим тизимида кенг ва атрофлича ўрганиш масалаларига бағишланган ўқув дастури, ўқув қўлланма, таълим технологияси, назорат саволлари, тестлар, глоссарийлар жамланган.

Шунингдек, тadbir доирасида Республика олий таълим муассасалари-

модернизациялаш ва унга инновацион технологияларни жорий этишнинг долзарб масалалари, «Иқтисодиёт ва бизнес» таълим соҳасида электрон ўқув адабиётлари ва ўқув-услубий мажмуалар яратилиш борасидаги мавжуд тажриба хусусида муҳокамалар бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар республика иқтисодиётига жон ҳол молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини камайтириш ва унинг салбий оқибатларини бартафат этиш имкониятини берди, иқтисодий ўсишнинг юқори барқарор суръатлари таъминланмоқда. Бошланган 2011 йилнинг Давлатимиз раҳбари томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йили» деб эълон қилиниши ушбу йўналишдаги фаолиятни янги босқичга кўтариши, шубҳасиз. Шу маънода қайд этиш керакки, бу ўз навбатида жамиятнинг турли соҳаларига кадрлар тайёрлаётган олий ўқув юрталари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Зеро, иқтисодиётни янада ривожлантириш, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самарасини таъминлаш кўп жиҳатдан малакали кадрларнинг замонавий билим ва профессионал малакага, ташкilotchilik қobiliyatiga ega бўлишига боғлиқдир.

Мазкур анжуманда ҳам олий таълим даргоҳларида талаба-ёшларга иқтисодий йўналишда билим бераётган, уларнинг касб маҳоратини шакллантиришга, етук ва малакали кадрлар сифатида камол топишига ҳисса қўшаётган профессор-ўқитувчиларнинг соҳада қўлган қиритган ютуқларини оммалаштириш масалалари муҳокама қилинди.

ТДИУ Матбуот хизмати

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этар экан, унинг ижобий жиҳатлари билан бирга ўқувчи-ёшларни ёт гоълар таъсирига туширувчи кучга эга ўнсурлар ҳам кириб келиш хавфи мавжудлигини аввалдан англашимиз зарур. Ахборотлашган жамиятга хос замонавий кадрларнинг шаклланиб бораётгани ўз навбатида кишиларни хушёрликка чақирмоқда. Евузлик, беғамлик, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга эътиборсизликни тарғиб этаётган интернет сайтлари, «Counter Strike», «Warcraft», «Stalker», «Sniper» ва бошқа шу каби жангари ўйинларни бола онгини захарловчи вирусларга ўхшатиш мумкин. Энг ёмони, компьютер таъсирига берилган ёшлар компьютер ўйинларидаги хатти-ҳаракатларни ўз хаётида қўллашга ҳаракат қилади. Буларнинг барчаси ёш авлод тарбиясига, тафаккурига, шу орқали келажакга жиддий таъсир ўтказиши эҳтимолдан холи эмас.

Оқибатда болада илм олишга, хунар ўрганишга бўлган иштиёқ сўнади. Ўйин ижодкорларининг мақсади мўмайгина пул топиш, жадал тараққий этаётган давлатимизнинг келажакини кўролма, ёшларимизга «Монитор орти»дан очикдан очик ҳужум қилиш, дейиш мумкин. Компьютернинг бундай салбий таъсирдан болани ҳалос қилишининг бирдан-бир йўли, унинг имкониятларини ижобий томонга йўналтиришдан иборат. Бунинг учун болага аклини чарловчи, Ватанга, табиатга меҳр уйғотувчи, тadbirkorликни, меҳрибонликни ўргатувчи кино-мультифильмлар «Microsoft Office»,

«AutoCad», «Photoshop», «Ulead Video Studio», «Corel Draw» каби дастурлардан фойдаланишни тавсия қилиш ва уларни амалиётга қўллаш

Fikr



бўйича маслаҳатлар, билим ва кўникмаларни бериш мақсадга мувофиқ. Бу дастурлар ўқувчининг касб танлаши, қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда қобилиятларини

кўшимча рағбатга эга бўлади. Бу маълумотлар синфдаги бошқа ўқувчилар учун ҳам маънавий озуқа бўлиб хизмат қилади. Натижада улар ҳам интернетдан ўзи учун фойдали ахборотларни излаб топишга ҳаракат қила бошлайди. Бўш вақтларини беҳуда компьютер ўйинларига бағишламайди. Шу йўл билан ўқитувчи бола эътиборини компьютернинг ижобий томонларига йўналтира олади. Ўқитувчи



ошириб чархлаб боришига ёрдам беради.

Юртбошимиз «Юксак маънавият — энгилмас куч» асариде «Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайд — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси» дея таъкидлаган. Ушбу фикрларни амалда қўллаб, ҳар бир дарс жараёнида тарбия ишларини ҳам олиб боришимиз шарт. Бунинг учун ўқитувчи янги мавзун мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчиларга компьютер ёрдамида ижодий иш, яъни реферат, слайд, видеоролик ва интернет ёрдамида мавзу бўйича маълумотлар тўплаб келишни топширади. Ўқувчи www.ZiyoNet.uz, www.google.uz каби сайтлар орқали ўзига керакли маълумотларни олиб,

ўқувчиларнинг берилган мавзу бўйича ўзлари тайёрлаган видеоролик, слайд-шоу, рефератларини тенгдошларига ўрнат-намуна қилиб кўрсатса, уларнинг ўқишига бўлган қизиқишлари янада ортади. Бундай педагогик фаолият ўқувчиларнинг дунёқароши, маънавияти ўсишида самарали натижа беради. Зеро, маънавий ва ахлоқий поклашиш, йимон, инсоф, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди, барчасининг замирида тарбия ётади.

Холида
ТОШТЕМИРОВА,
Юнусобод туманидаги
250-мактаб
директорининг
маънавий-маърифий
ишлар бўйича
ўринбосари

КИТОБ ВА БОЛАЛИК

оғзаки ва ёзма нутқда ҳавас қиларли натижага эришади.

Мамлакатимизда худди ана шу мақсад йўлида хизмат қилаётган кутубхоналар борки, ўқувчиларнинг таътили даврида, айниқса, улар гавжумлашади. Республика болалар кутубхонаси ана шундай масканлардан бири сифатида турли хил тadbirлар ўтказиб келади.

Қишки таътил даврида кутубхона маъмурияти уюштирган «Янги йил қувончлари» хайрия тadbiriga Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларининг бир гуруҳ ўқувчилари тақлиф этилди. Улар нафақат ўз мактаби қошидаги, балки ана шу зийе маскани билан ҳам мустаҳкам алоқа боғлаган китобхона болалардир. Тақлиф этилганлар орасида имконияти чекланган, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳам бўлиб, уларга ҳомийлар томонидан китоблар, ўқув қуроллари совға қилинди.

— Хайрия тadbirларини ўтказишда бизга Халқ банкининг Мирзо Улуғбек туман бўлими, «Аква-медиа» савдо белгиси, «Раъно» студияси ёрдам қўллари чўзишди. Улар томонидан берилган совға — эртак китоблар, қисса ва романлар болаларга янги йил тўғриси бўлибгина қолмай, китобга нисбатан



Бу икки тушунчани бир-бирисиз тасаввур қила олмайсиз. Эзгулик ва жаҳолат ўртасидаги азалий курашни бола китоб орқалигина кенгрок англайди. Шу тарихда унда мустақил фикр шаклланиб боради,



қизиқиш ва меҳр-муҳаббатни ҳам оширади, — дейди кутубхона ходими Зокир Бобонов.

МУХБИРИМИЗ
Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

Шарқда азал-азалдан кўнгил тарбияси устуворлик қилиб келган. Маънавий етуклик банд мартабада бўлган. Билимларни ўзлаштиришга, фанда кашфиётлар қилишга руҳий камолот орқали чиқилган. Шунинг учун ҳам мактабларда аввал бадий адабиётни ўқитиш, сўздан таъсирланишни ўргатишга эътибор қаратилади, руҳиятни уйғотишга ҳаракат қилинади.

Тажриба алмашишлар шуну кўрсатдики, ривожланган мамлакатлар таълим тизимида ҳар қандай ўқув фани бўйича, у биология бўладими, иқтисодми, тил ўрганиши — барчасида турли мавзулар юзасидан эсселар ёзиш етакчилик қилади. Маълумки, эссе — эркин фикрнинг, мустақил тафаккурнинг маҳсули. У — ижод. Адабиёт дарсларида иншо ёзиш ҳам ўқувчида мазкур жиҳатларнинг шаклланишига хизмат қилади. Ижоднинг ҳар иккала тури орасидаги тафовут унча катта эмас. Албатта, иншо ёзиш таълим тизимида ўрганиб қолинган анъанавий тартибда эмас, айнан ўқувчининг мустақил иши натижаси тарзида ташкил этилишига жиддий эътибор қаратиш зарур.

Ўқувчида ижодга эҳтиёж ҳиссини атрофини ўраб турган табиат, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни, теграцидаги турфа одамларни англаш кўникмасини шакллантирмай туриб тарбиялаб бўлмайди. Адабиёт ўқувчини инсониятга ошно этади, унинг маънавий олами бойитиб, ўз сўзи, мустақил фикрини шакллантиришга кўмаклашади. Бу, навбатига, боланинг ўзлигини англашига туртки беради. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг ақлий ва руҳий кўзғалиши, уларда ўз мустақил фикрнинг шаклланиши адабиёт дарсларининг муҳим хусусиятларидан биридир. Ҳар бир адабиёт дарсидан сўнг ўқувчида ҳаётни ўрганишига, китоб ўқишга, ижодга, санъатга эҳтиёж тугилиши зарур.

Ўқувчининг ҳаёлот олами бой. Лекин ҳаётнинг тажрибаси катталарникига нисбатан саёзроқ, атроф-муҳитга муносабати ҳам содда бўлиши табиий. Иншо ёзишдек ижодий жараёнда ўқувчи шахсига хос бўлган шу каби табиий хусусиятларни инobatга олиш, уни қизиқтирган мавзуда ёзишга йўналтириш бу фаолиятнинг самардорлигини таъминлайди. Гап шундаки, иншо ёзиш ўқувчида туйғулари, муносабатини ўз сўзлари билан ифода қилишга қизиқиш уйғотганда муваффақиятли амалга ошади.

Ўқувчини фақат ўзи яхши билган, у кўп ва чуқур ўйлаган нарсага ҳақида ёзишга ўргатиш керак. Яхши билмаган, тушулмаган мавзу ҳақида топшириқлар бериш уларда юзакилик, масъулиятсизликни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис болада уйғок қалбни тарбиялаш учун, аввало, унда атроф-муҳитга, табиатга, ҳайвонот ва наботот оламига, инсонни англашга кучли қизиқиш уйғотилади. Бунда энг муҳими, ушбу ижодий ишдан аввало ўқувчининг ўзи рағбатланиши, яъни янги билим, истиқболга янги бир одим қўйилганлигини тушунишининг аҳамияти катта. Ўқувчиларнинг мустақил ижодий фаолияти бўлмиш иншо ёзишни ташкил этишда қуйидагиларни инobatга олиш мақсадга мувофиқ:

а) ўқувчида хилма-хил мавзуларни танлаш ихтиёрини бериш. Бу мавзулар ўқитувчи учун ҳам жиддий ва қизиқарли бўлиши керак;

б) ўқувчиларга ўртоқларининг иншолари билан танишиш имкониятини бериш ва намуна сифатида ҳам фақат

тенгдошларининг ишларини тавсия этиш;

в) ўқувчиларнинг иншоларини текшираётганда дафтарининг аҳволи, хатининг си-

дай мақсад билан ташкил этилган суҳбатлар асосида асар юзасидан ўқувчилар англамай қолган жиҳатлар ва бунинг сабаблари аниқланади. Шундан келиб чиқиб тушунтириш ишлари амалга оширилади.

Синфда ўрганиладиган бадий асар мутолааси давомида ўқувчиларга иншо ёзишда қўл келадиган муҳим сўз ва ибораларни белгилаб боришни ўргатиш самарали ҳисобланади. Бу ўқувчиларни руҳан иншо ёзишга тайёрлайди, матндаги муҳимни номўҳимдан фарқлашга ўргатади. Масалан, ўқувчиларга "Абдулла Қодирий ижодида нимани қадрлайман ва севаман" мавзусида иншо ёздиринг учун, аввало, Абдулла Қодирийнинг асари ўқувчи севиб қола оладиган даражада тахлил қилинади. Асардан фақат Абдулла Қодирий услубига хос бўлган, ўқувчи-китобхон қалбини титратадиган

ўйланмаслиги, изланмаслиги мумкин эмас. Шу тариқа, ўқувчи пухтароқ билим олади. Бундай ишлар мактабнинг бошланғич ва ўрта давридаги нуқта ўстириш ишининг давоми бўлади.

Бадий асар таҳлили устиди ишланаётганда ўқувчиларни сўзга эҳтиёткорлик билан ёндашишга ўргатиш алоҳида аҳамиятга эга. Ёш "танқидчи" ёзувчи томонидан битилган ҳар бир сўз мўъжиза эканини тушуниши, ҳис қилиши жуда муҳим. Ўқувчини муаллиф қўллаган айни сўз тағида қандай фикр мавжудлигига эътибор беришга ўргатиш адабиёт ўқитувчисининг бурчи. Шу тариқа, ўқувчи уни қизиқтирган масалаларни ўзгаларни ҳам қизиқтира оладиган тарзда ифодалашга, унда тугилган фикрни бошқа кишига таъсир қиладиган йўсинда баён этишга ўргатилади. Бундай талаб-

Dolzarb mavzu

вазифасини уч-тўрттадан оширмасликка эришишда қўл келади. Шу тариқа, ўқувчиларнинг адабиётдан иншо ёзишга уйга вазифа қилиб берилган куну бошқа ўқув фанларидан камроқ топшириқ олишлари назорат қилинади. Синфлар юқоридаги боргани сари уй иншоларининг сони ошмай мазмуни чуқурлаштирилади, талаб доираси кенгайди.

Ўқувчиларга бериладиган уй иншолари синфдаги иншолардан фарқланиши керак. Синфдаги иншо назорат характеридаги ишлар бўлса, уй иншолари машқ, амалий йўналди бўлади. Улар қаттиқ назорат остига олинмайди.

Уй иншоларини беришда ўқитувчининг мавзу ҳақида синфда батафсил маълумотлар келтириши, зарурий адабиётлар рўйхатини тавсия этиши талаб қилинади.

Ўқувчиларнинг уйда ёки синфда ёзган иншолари мустақил иш ҳисобланади. Уларга қуйидаги талаблар қўйилади:

— ўз фикрини режа асосида, мавзудан чиқмай, изчил баён этиш;

— айтилган фикрлар, чиқарилган хулосаларни асослаш ва далиллар билан исботлаш;

— бадий асар ёки дарслик муаллифлариникидан фарқли равишда ўз хулосасини чиқариш ва бадий умумлашмаларга келиш;


— ўз қарашларини тўғри ва саводли баён қила олиш.

Иншо муаллифи ҳар бир ишда ўз фикрини ифодалашни ёки ўзгаларнинг айтганларига қўшилиш-қўшилмаслиги сабабларини изохлаши талаб этилади. Бирор фикрни ёқлаш ёки инкор этиш ҳам мустақил тафаккурни талаб қилади. Иншо назорат қилинган, тахлил қилинган экан, ҳафсалани салбий баҳолаш билан сўндириш эмас, ўқувчининг фикрларини ҳурмат қилган ҳолда, ёзма ишлардаги бирор детални эътиборсиз қолдириш мумкин эмас. Муваффақиятли чиққан фикр ва хулосаларни таъкидлаш, рағбатлантириш зарур. Иншо назорат асосий педагогик қиммати уларнинг мустақил мулоҳазаларга қанчалар бойлиги, муаллиф қарашларининг қай даражада асосланганлиги билан ўлчанади.

Адабий таълимда бевосита ўқувчи шахсига қаратилган эркин мавзудаги (синф ёки уй) иншо назорат ўқитувчи томонидан сир сақланиш кафолати ҳам бўлиши керак. Ўқувчининг ўқитувчига ишончи унинг ижодидидаги самимийликка гаровдир. Фикр ва фаолиятнинг мустақиллиги руҳий мустақиллигининг кўриниши, маҳсули ҳисобланади. Ақлнинг чинакам мустақиллиги, тафаккур етуклиги, мулоҳазаларнинг рост ва самимийлиги ҳаёт, бадий сўз ҳамда санъат ҳодисаларини тахлил қила олиш маҳоратида кўринади. Тафаккур мустақиллигининг бундай даражасига ўқувчилар олдида дунёқараш, ахлоқий ва эстетик принциплар шаклланидиган мураккаб масалаларни қўйиш билан эришилади.

Кундузхон ҲУСАНБОЕВА,
педагогика фанлари доктори

АДАБИЙ ИНШО



фати, хатолари ва, айниқса, унинг ифода тарзига, айтиш жоиз бўлса, услуби бўйича бериладиган танбеҳнинг ўрнига ўзига хос намунали ишни ўрнак қилиш ва камчиликларни тузатиш бўйича алоҳида тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ;

г) ижод пайтида ҳажм ва мазмун масаласи, унинг тили диққат марказида турмайди. Ўқувчи буларга эътибор қилса, асосий фикрини унутиб қўйиши мумкин. Тил, услуб, хусниҳат ва имло масаласи, одатда, она тили дарсларининг зиммасига юкланади.

Ўқувчиларни иншо ёзишга ўргатиш жараёни шу тарзда ташкил этилса, фақат адабий таълим эмас, балки миллий тарбияшунослик олдига қўйилган мақсад амалга ошириши бирмунча тезлашиши тайин.

Одатда, ўқувчилар ўз ижодий иншоларида дарслик муаллифлари ёки ўқитувчининг тиссоллар ҳақидаги фикрларига «ёпишиб» олишади. Бунинг асосий сабаблари: тарбияланувчиларга ёзма ишни бажаришнинг усул ва тартиби ўргатилмаганлиги, уларнинг ўз фикрини ифодалашга одатланмаганлиқларидир. Шу боис, ўқувчиларнинг ёзма ишларини ташкил этишдан олдин ўқитувчи уларнинг бадий асарини қандай ўқигани ва қанчалик тушунганлиқларини аниқлаб олиши зарур. Шун-

ўринларни унинг ўзига кашф қилдирилади. Мана шундай ўқувчига лаззат бағишлаган топилдиқларгина адабни китобхонга севдиради.

Кузатишлардан маълумки, ўқувчиларнинг кўпчилиги фикр айтиш, муносабат билдиришда «хато айтиб қўйсам-чи», дея истихололага боради. Агар адабий таълим бугунги методика илми тавсия этаётган йўллар билан ташкил этилса, фикр кишилари кўпайиши мумкин. Бу билан бир пайтлар кўникиб қолингандек, дарслик муаллифларнинг асар ҳақидаги фикрларини такрорлашдан ёки асар матнини қайта ҳикоялашдан қочилади. Иншо назорат мустақил фикрлар, туйғулар, истак ва интилишлар, муносабатлар ифодалана боради.

Адабиёт дарсларидаги бадий асар таҳлили асосида ўқитувчи ўқувчиларни матнда нима айтилганигагина эмас, балки қандай айтилганига ҳам алоҳида диққат қаратишга йўналтириб туриши мақсадга мувофиқ. Токи ўқувчи бадий асардаги табиат тасвирининг қанчалик тугаллигига, қаҳрамонлар ички кечинмалари ифодасининг нечоғли нозиклигига, муаллиф тилининг қанчалар инжалигига ҳам эътибор қилсин, кузатсин, сезсин. Адабий таълимда, бадий матн устиди ишлаш мобайнида мана шундай жиҳатларга эътиборли бўлган ўқувчи иншо битишда

ларга ўрганган ўқувчи эссе, ҳикоя, шеър ёки иншо ёзишда ҳамма ўзига ёққан, уни безовта қилган — шодлантирган ёки қайғуга солган, дилини қувонтирган ёхуд огритган барча нарсаларни сўз билан ифодалашга, уларни таъсирли, ўзгаларга ҳам «юқтира олади» қилиб тасвирлашга одатланиб боради. Ана шунда сўзнинг қудратини, ижоднинг машаққати ва лаззатини ҳис қилади.

Иншо таълимнинг барча турида уй вазифаси сифатида ҳам бериш мумкин. Умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи бўлмиш бошланғич синфлар адабий таълимда уйга иншо ёки баён ёзиш вазифаси берилса, ўша куну ўқувчи бошқа ўқув фанлари бўйича ортиқча юклардан халос этилиши, қўшимча топшириқлар берилмаслиги керак. Чунки иншо ва баён ёзиш ўқувчидан анчагина ақлий зўриқиш ва вақтни талаб қилади.

Таълимнинг юқори босқичларида ҳам барча ўқув фанлари муаллифлари бир-бирлари билан доимий алоқа боғлаб туришлари, уй вазифаларини беришда ўзаро келишишлари ўқувчиларнинг уйга берилган топшириқларни тўлиқ ва пухта бажариши ҳамда вақтинчи тежаш имконини беради. Бундан ташқари, мактабда дарс жадвалларини тўғри тузиш ҳам ўқувчиларнинг бир кунлик уй

ФАЙРАТИГА ҲАВАС ҚИЛАМИЗ

Фалсафа фанлари номзоди, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти доценти Сапардурди Аббаев қарийб эллик йилдан бери Қорақалпоғистоннинг илм-фани, олий таълими соҳасида фидойи меҳнат қилиб келмоқда.

С.Аббаевнинг ҳаёт йўли оддий. Болалиги Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келди. Отаси урушда ҳалок бўлгач, онаси қўлида тарбияланди, ҳамма қатори мактабда ўқиди. Сўнг Тўртқўлдаги педагогика билим юртида таълимни давом эттирди. Уни битиргач, йўлланма билан Шўманой туманидаги мактаблардан бирига келиб меҳнат фаолиятини бошлади. Кейинчалик Қорақалпоқ давлат педагогика институтининг табиашунослик ва география факультетида таҳсил олди. 1964 йилда ўзРФА Қорақалпоғистон филиалининг Н.Давқараев номидаги тарих, тил ва адабиёт институти фалсафа бўлимига ишга кириди. Шундан эътиборан С.Аббаевнинг илмий фаолияти бошланади. Бироз муддат ўтгач, у ўзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти аспирантурасига қабул қилинади ва академик М.Хайруллаевнинг илмий раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Яна Нукусга қайтиб илмий тадқиқот институтининг фалсафа бўлимида фаолиятини давом эттирди. Дастлаб доцент, кейин «Ижтимоий фанлар» кафедраси мудир лавозимларида ишлайди. Ҳозир ҳам у кафедранинг энг тажрибали профессор-ўқитувчилари, олимлари сафида ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда.

Тажрибали устоз С.Аббаевнинг ўзбек, қорақалпоқ, туркман ва рус тилларида эълон қилинган илмий мақолалари илмий жамоатчиликнинг ижобий баҳосини олди. Шунингдек, олим томонидан бир қатор ўқув қўлланмалари ва дастурлар тайёрланган.

С.Аббаевнинг илмий фаолияти серқирра. У республикамизда энг аввало, ижтимоий фан соҳаси, хусусан, исломшунос, диншунос олим сифатида танилди. Муаллифнинг ислом ва хуффикрлилик тарихига доир мақолалари ва рисоаларида илгари сурилган концепциялар маънавий-маърифий ҳаётимизда муайян аҳамият касб этмоқда. Унинг бу йўналишдаги фаолияти истиқлол йилларида жуда самарали бўлганини айтиш зарур.

Олимнинг «Виждон эркинлиги ҳақида суҳбат» (1991), «Ислом ва руҳий маданият» (1993), «Демократия ва дин» (1998), «Мустақиллик ва ислом» (1999) каби китоблари (уларнинг баъзилари доц. М.Якубов билан ҳамкорликда ёзилган) айнан диний қадриятларнинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамиятини илмий асослаб беришга қаратилган.

Сапардурди Аббаев фаолиятининг бир қирраси олий ўқув юрти билан боғлиқ. У яхши педагог-олим. Салкам ўттиз йилдан бери талабаларга дарс беради, тарбиявий ишларни олиб боради. Бир сўз билан айтганда, у олим, мураббий-устоз, жамоатчи сифатида кенг жамоатчилик эътибори қозонган. Унга «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвонининг берилганлиги фикримизнинг амалий тасдиғидир.

Каримбой ҚУРАМБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Илья ДИЛЬМАНОВ,
филология фанлари номзоди

Дунёда олимлар кўп. Яхши олимлар ҳам оз эмас. Аммо уларнинг кўпчилиги ўз соҳаларидагина таниқли, холос. Бу соҳадан ташқарида эса уларни кўпчилик билмайди. Аммо улар орасида илмнинг том маънодаги магзини нақаддиги, унинг ижтимоий вазифасини, маърифий қудратини англайдиган ва худди шу билганларини бошқаларга ҳам аниқлашга астойдил бел боғлаганлари кўп эмас. Мана шу сирада профессор Низомиддин Маҳмудов ҳам бор.

Н.Маҳмудов — тилшунос. У ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишни ўз умрининг асосий мазмуни деб билади. Олим ўзининг «Сўзни қайлиқ сайлагандек севиб сайла» деган шиорига қаттиқ амал қилади, бу йўлдан оғишмайди, бошқаларни ҳам айни мана шу эътиқод билан яшашга даъват этади.

Низомиддин ака номзодлик диссертациясини ёқлаганда ийгирига етти ёшда, докторлик диссертациясини ёқлаганда эса ўттиз уч ёшда эди. Бундай натижа ҳар доим ҳам кўпчиликини, айниқса, ёшларни бефарқ қолдирмайди. Аммо бу чегарани ҳатлаб ўтиш ҳозирча ўзбек тилшуносларининг жуда озчилигигагина насиб қилиб турибди.

Наманганнинг Поп туманидаги Гурумсарой қишлоғида туғилган бу йигитнинг китобга меҳри бўлакча эди. Ҳар ҳолда, мактабни олтин медал билан тамомлаши тасодиф эмас. Айрим китобларга тақризлар ёзиб юрадиган, ўзича шеърлар қоралаб турадиган бу йигит, албатта, тилшунос бўлишни кўнглига тугиб қўйган бўлса, не ажаб. Уни филология факультетида бошланган ҳам шу нияти эди.

У Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбеки-

стон Миллий университети)ни битиргач, Тошкент давлат маданият институтида ўқитувчилик қила бошлади. «Ўзбек тилида эллипис» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

1981 йилдан бошлаб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ишлай бошлади. Аввал умумий тилшунослик кафедрасида катта ўқитувчи, кейин рус гуруҳларида ўзбек тили кафедрасининг мудир, ўзбек ва қозоқ филологияси факультети декани, ўзбек тилшунослиги кафедраси мудир лавозимларида ишлади. «Ўзбек тилидаги содда гапларда семан-

муаллифликда умумий ўрта таълим мактабларининг «Она тили» (5-синф учун; 2004, 2007; 6-синф учун; 2005; 7-синф учун; 2005; 8-синф учун; 2001, 2003, 2004; 9-синф учун — 2006 ва академик лицейларнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тили», (2003, 2004); «Давлат тилида иш юртиш» (2003, 2006, 2007, 2008), олий таълим учун «Ўқитувчи нутқи маданияти» (2009) сингари дарслик ва ўқув қўлланмаларининг яратилишида фаол иштирок этди.

Олимнинг луғатчилик босқичидаги иш-

Fan fidoyilari

тик-синтактик асимметрия» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

Олимнинг «Сўз эстетикаси» (1981, Х.Абдурахмонов билан ҳамкорликда), «Гапда форма ва мазмун» (1984), «Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия» (1984), «Тил ва ёзув» (1987), «Ўзимиз ва сўзимиз» (1997), «Маърифат манзиллари» (1999) сингари китоблари унинг серқирра ижодий фаолиятининг ёрқин далилидир.

Н.Маҳмудов қизиқиш доиралари анча кенг бўлган олимлардан. Унинг тил ва нутқ, тил ва ёзув, тилшуносликнинг кўплаб назарий муаммоларига доир мақолалари илмий жамоатчилик эътирофига сазовор бўлган. Айни пайтда у тилимизнинг амалий жиҳатлари, хусусан, алифбо ва имло, иш юртиш ҳужжатлари, тил таълими босқичида янги фикрлар билан эътибор топиб келаётган, энг фаол олимларимиздан биридир.

Олимнинг ташаббуси ва бевосита иштироки билан таълимнинг турли бўғинлари учун кўплаб дарсликларнинг яратилгани ҳам бежиз эмас. У республикамизнинг етакчи олимлари билан ҳам-

ри ҳам шоёни тақсиндир. «Ёзув тарихидан қисқача луғат-маълумотнома» (1990), «Ўзбек тилини ўрганамиз. Расмий луғат» (ҳаммуаллиф Б.Тўхлиев, 1991), «Туркча-ўзбекча ва ўзбекча-туркча луғат» (ҳаммуаллиф Э.Йаман, 1993), «Комиллик қалити» (З.Сайдуқов, Ф.Сотимов, 1999, 2006) ва бошқалар олимнинг бу соҳалардаги фаолиятдан айрим нишонлар, холос.

Низомиддин Маҳмудов йирик олим, ташкилотчи сифатида кўплаб янги катедраларнинг ташкил этилишида, айрим янги курсларнинг очилишида ташаббускор бўлди.

Олим сўзни нозик ҳис этиш, унинг ифода имконияти, таъсир кучини тўғри англаш ва белгилаш борасида жонқуярлик билан ижод қилмоқда.

Унинг юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматларини ҳам жамоатчилик яхши билади. Бевосита олим раҳбарлигида уч фан доктори, ўттиздан ортиқроқ фан номзоди республикамизнинг тилшунос олимлари сафига қўшилди.

Бокижон ТЎХЛИЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

ШОГИРДЛАРИ АРДОҒИДА

Чуст туманидаги 7-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Мақсуда Ҳожиматова ҳақида гап кетганда, даставвал уни жонқуяр, ўз ишининг устаси сифатида эътироф этишди.

Мустақилликнинг деярли ҳар бир йили муаллима учун мазмунли ва қувончли келди.

М.Ҳожиматова болалигиданоқ ўқитувчилик касбига меҳр қўйди. У сабоқ бераётган устозлари дарсларини кунт билан тинглар, уларга ҳавасла боқарди. «Катта бўлсам, албатта, ўқитувчи бўламан. Устозларим каби ёшларга илм сирларини ўргатаман!». Ана шу эзгу истак уни Наманган давлат педагогика институти (ҳозирги НамДУ) остонасига етаклади. Имтиҳонларни муваффақиятли топириб, институт талабасига айланган Мақсуданин кувончи ичига сиймасди. Ахир аста-секин орзулари амалга ошаётганди-да! Ўқиб жараёнида ҳам «фарзандимни илмли, эл қорига ярайдиган инсон қилиб тарбиялашим лозим», деган аҳд

билан яшаётган ота-онаси унга умид қўзи билан қараб турарди.

1991 йили институти муваффақиятли тамомлагач, аввалроқ тарбиячилик фаолиятини бошлаган Поп туманидаги 14-мактаб бағрига қайтди. Дастлабки кунларданок ташкилотчилиги, ўқувчиларни фанга қизиқтира билиши билан эътиборга тушди. Ёш муаллима ўз устасида тинимсиз ишлар, ўқиб-изланарди. Уч йиллик самарали меҳнатдан сўнг, 1994 йили Чуст шаҳридаги 7-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида меҳнат фаолиятини давом эттирди. Мана, 16 йилдирки, ма-

кур даргоҳда ўқувчи-ёшларга она тили ва адабиётдан сабоқ бериб келмоқда.

У раҳбарлик қилаётган «Ёш тилшунослар» тўғраги узоқ йиллардан бери бу соҳага қизиққан ўқувчиларни бирлаштириб, билимларини бойитмоқда. Ўқитувчи фаолияти давомида кўплаб шогирдлар тайёрлади, ўқувчилари фан олимпиадаларида нафақат вилоятда, балки республика босқичларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, юқори ўринларни қўлга киритди.

Мақсуда Ҳожиматова фаол жамоатчи муҳбир ҳамдир. Газета-журналларда турли мавзулардаги илмий-адабий мақолалари чоп этилиб туради.

Хусусан, унинг «Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари» фанидан «Ватан остонадан бошланади» мавзусидаги тадрижий 7 босқичли ноънавий дарси, адабиёт фанидан «Навоий ижоди асосида умумлаштирувчи дарс» мавзусидаги намунали дарс ишланмалари вилоятда оммалаштирилган. «Равон ўқий оласизми?» рисоласи, «Умид гулшани» номли шеърини тўплами чоп этилган.

М. Ҳожиматова ўз соҳасидаги изланишлари самараси ўлароқ, 1994 йили «Илм ўқитувчиси» танловида қатнашиб, туманда 1-ўрин соҳиби, вилоятда эса совриндор бўлди.

Келажак авлодни маънавий етуқ, соғлом фикрли, баркамол қилиб тарбиялашда ёшлардан меҳр-муҳаббатини, бор билим ва куч-ғайратини аяматган Мақсуда Ҳожиматова сингари ўза касбининг жонқуярлари борки, ана шундай фидойи зиёлилар туфайли муаллимлар доимо эл ардоғида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинган, аҳолининг ахборот борасидаги эҳтиёжларини қондириш, хизмат кўрсатишнинг сифат даражасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Ахборот-ресурс марказлари маълумотларни топиш ва сақлаш, улардан самарали фойдаланиш имкониятларини янги босқичга олиб чиқди. Айтилган фойдаланувчиларга библиографик маълумотларни етказиш бўйича олиб борилаётган ишлар самара бермоқда.



БИБЛИОГРАФИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

АРМ имкониятларини янада кенгайтирмоқда

Библиографик хизматлар АРМ ва кутубхона фаолиятининг таркибий қисми бўлиб, библиографик ахборот тайёрлаш ва уни китобхонларга етказиш жараёнини, **библиографик ахборот** эса фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган реал эҳтиёжлари ва талаблари асосида тўпланган маълумотлар йиғиндисини ифода этади. Турилуруқларга оид фойдаланувчиларни қамраб олиш, китобхон талабига қараб, ахборот тўплаш шакллариини ўзгартириш библиографик хизмат кўрсатишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. АРМ ва кутубхона ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳолининг маълумот олиш эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга йўналтирилган библиографик ахборот хизмати фойдаланувчилар қамровига кўра уч турга бўлинади: яққа тартибда, гуруҳли ва оммавий тарзда ахборот бериш.

Яққа тартибда ахборот бериш умумий қизиқишларга эга абонентларнинг индивидуал қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилса, **гуруҳли ахборот бериш** бир гуруҳдаги фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришни назарда тутди. Гуруҳларга ажратган ҳолда маълумот тарқатиш илмий муассасалар, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, ўқув юртларида ишлайётган мутахассисларни касбий фаолиятига оид янги ахборот манбалари билан мунтазам равишда таъминлаб туриш жараёнини анча енгиллаштиради. АРМнинг энг муҳим афзалликлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- фақат янги келиб тушган адабиётлар эмас, балки мавжуд бўлган барча ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда хизмат кўрсатиш;
- абонентларнинг эҳтиёжлари ҳақидаги мавжуд тасавурларга доимий равишда аниқлик киритиб туриш;
- ахборот ижобий баҳоланган ҳолатларда ёки махсус талаб тушган вақтда ҳужжатларнинг тўлиқ матнини бериш имконияти.

Танланган ахборотларни оммалаштириш АРМ ёки кутубхона фойдаланувчиларининг ахборотга бўлган эҳтиёжлари жадвали(рубрикатори)ни тузишдан бошланади. Бунинг учун китобхонлар орасида уларни қизиқтирадиган мавзулар, мунтазам равишда қўриб чиқиладиган мустақил нашрлар доирасини белгилаш учун сўронома ўтказилади. Аниқланган маълумотлар гуруҳларга ажратилиб, АРМ фойдаланувчиларининг ахборот олишга бўлган эҳтиёжлари рубрикатори тузилади (1-жадвал).

Сўралаётган ахборот тематикаси	Керакли ахборот характери	Танлаб ахборот тарқатиш абонентлари
--------------------------------	---------------------------	-------------------------------------

1-жадвал

АРМдан фойдаланувчилар орасидан ахборот тарқатиш абонентларини танлаб олишда уларнинг касбий фаолиятдан ташқари, ўзини ахборот лидер сифатида намён қила олиш, олинган ахборотни ўз касбдошларига тўла-тўқис етказиш қобилияти ҳам ҳисобга олинади.

Оммавий библиографик ахборот бериш кенг доирадаги истеъмолчиларга ижтимоий ва маданий аҳамиятга молик мавзулар юзасидан мунтазам ёки мuddатли тарзда библиографик ахборот етказиб туришни назарда тутди. Бу усул АРМ, кутубхона фондида келиб тушаётган адабиётлар хусусида оммани хабардор қилиш воситасидир. Ахборот бюллетенларини тарқатиш, мавзули тезкор картотекалар, янги адабиётларнинг маълумот базасини

босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Сўровни қабул қилиш.
2. Китобхоннинг ахборотга мурожаат этишдан қўзлаган мақсади, мавзу юзасидан хабардорлик даражасини аниқлаш.
3. Қидирув стратегиясини ишлаб чиқиш; фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлган манбалар қўлаи, уларга мурожаат этиш иччиллигини белгилаш.
4. Қидирувни амалга ошириш.
5. Аниқланган материални танлаш ва гуруҳлаш.
6. Маълумотномани расмийлаштириб, китобхонга етказиш.
7. Маълумотномани библиографик хизмат кўрсатиш натижалари дафтарида қайд қилиб қўйиш.

Сана	Сўров мавзуси	Сўров муаллифи	Қидирувни амалга ошириш манбалари	Ижрочилар
------	---------------	----------------	-----------------------------------	-----------

2-жадвал


яратиш оммавий библиографик ахборот беришнинг кенг тарқалган шаклларида бири ҳисобланади. Уларда АРМ, кутубхонага келиб тушаётган нашрлар ҳақидаги маълумотлар муайян тартибда жойлаштирилади. Адабиётлар тўғрисидаги ахборотни ОАВ орқали узатиш яқши самара беради. Маҳаллий газета саҳифаларида китобхонлик доир доимий рўқнлар ташкил этиб, улар орқали АРМ фондидаги аҳамиятга молик манбалар хусусида маълумот бериш мумкин.

Шундай қилиб, библиографик ахборот беришни ривожлантиришнинг умумий тенденцияси аънавий усул ва шакллardan фарқли равишда индивидуаллаштирилган, фойдаланувчининг эҳтиёжларига тўлиқ мослаштирилган усул ва шакллarga интилишдан иборат. Маълумот беришга қаратилган библиографик хизмат қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳужжатнинг мавжудлиги ва қаерда жойлашганлиги тўғрисидаги библиографик ахборот (манзилли маълумотнома);
 - маълум бир мавзу ёки масалага доир библиографик ахборот(мавзули маълумотнома);
 - фактларга асосланган (фактографик) маълумотлар.
- Берилган чизмага мувофиқ (2-жадвал) маълумотнома тарзидаги библиографик хизмат кўрсатишнинг асосий

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ КЎМАКЧИСИ ✓

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти томонидан ўзбек тилида биринчи бор чоп этилган «Тарбия» энциклопедиясида ижтимоий ҳаётда анча-мунча тажриба орттирган ота-оналарнинг эндигина турмуш қурган ёш оилаларга бугунги кунда айтмоқчи бўлган фикр-мулоҳазалари педагогикадаги назарий қарашлар билан асосланиб бир тизимга солинди. Ундан ёш ота-оналардан ташқари таълим-тарбия ишлари билан шуғулланувчи барча мураббийлар ҳам фойдаланишлари мумкин. Китобда тарбия ва у билан боғлиқ 300га яқин тушунча моҳияти очиб берилган.



Kitob javoningizga

Тарбия соҳасида муаммолар жуда кўп. Бола дунёга келгач, физиологик ривожланиб боради. Тарбиявий ривожланиш эса боланинг ёш хусусиятлари – гўдаклик даври, илк болалик, мактабгача бўлган давр, кичик ёшдаги мактаб даври, даволат ёши, ўспиринлик даври билан боғлиқ равишда тарбияда муайян ёндашув, ўзига хос усулни талаб этади. Болани ақлий, ахлоқий, жинсий, жиёмоний ватанпарварлик, байналмилал руҳда тарбиялаш, ижодкорликка ундашнинг турлитуман шакллари борки, булардан оқилона фойдаланилса, чинакам баркамол авлод шаклланади.

Китобдаги мақолаларда юқорида тилга олинган тарбиянинг барча шакллари, хусусан, оила ҳаётининг маънавий-руҳий томонлари, ўсиб келаётган авлодни шахс сифатида шакллантириш, улар маънавиятини юксалтириш, соғлигини мустаҳкамлаш масалалари ёритилган. Китобда фарзанд тарбиясида шарқона одоб-ахлоққа, миллий қадриятларга эътибор бериш устида ҳам тўхтаб ўтилган. Кийиниш маданияти, суҳбатлашиш одоби, келинлик одоби, касб одоби, меҳмондорчилик одоби, муомала одобига оид мақолалар шулар жумласидандир. Китобда, шунингдек, камтарлик, мардлик, жасорат, инсонпарварлик, инсоф, дўстлик, виждон, бурч, бахт, ишчанлик, кўнгилчанлик, масъулият, ростгўйлик, поклик каби ахлоқий тушунчалар ҳам баён этилган.


Раиса РАТНЕР,
Республика илмий-педагогика кутубхонаси
Илмий-методик бўлим мудир

Мейлижон САДИРОВ

Йигирма биринчи асрда бошқа соҳаларга қараганда, маълумот олиш, уни қайта ишлаш ва тарқатиш (соши) вазибаларини бажарувчи ахборот технологияларига эҳтиёж юқори бўлиши, табиий. Бугунги кунда ҳар қандай соҳадаги мутахассис бир "митти кутуча"га тез-тез мурожаат қилаётгани шундан. Бу улкан ҳажмдаги ахборотларни ўзида аслигича сақлай олувчи қурилма — флеш-хотирадир.

Дунёнинг етакчи электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компаниялари кун сайн янги кўринишдаги, функция ва хизмат доираси кенгайиб бораётган мосламаларни ихтиро қилмоқда. Замонавий технологияларнинг турмуш тарзимизга жадаллик билан кириб келиши ҳаётимизда ахборот зарурати борган сари ортаётганига ишорадир.

Улкан ёзув (хат териш) машинаси, улкан хона деворини бутунлай қоплаган кўпол компьютер ва баҳайбат фотоаппаратлар замонидан то ҳозирги мобил телефон, юқори функцияли митти ноутбукларгача бўлган давр ичида инсоният ҳаёти мислсиз тарзда такомиллашди. Мазкур ҳолат одамларнинг фикрлаши, дунёқараши ҳам таъсир ўтказгани табиийдир.



нинг ҳажми ўша вақтларда анчайин катта бўлиб, кўлда, ҳамёнда олиб юришнинг имкони деярли йўқ эди.


"CompactFlash", яъни флеш-карталар — ихчам электрон воситалар бўлиб, улар асосан рақамли маълумотларни сақлашда кенг фойдаланилади. Ушбу митти қурилма бугунги кунда рақамли фотоаппарат, мобил телефонлар, ноутбук, MP3,4-плеер каби электрон воситаларнинг кўпгаб вазибаларини ўзлаштириб олмоқда. Уларнинг яна бир қулайлиги шундаки, флеш-карталар ҳеч қандай қувват захирасини талаб қилмайди.

Ушбу ўзига хос қурилманинг оммалашганига ҳали у қадар кўп бўлмаган бўлса-да, яратилиш тарихи бир неча ўн йилликни ўз ичига олгани билан эътиборли. Бугунги флеш хотираларнинг илк "аждод"лари, Technology.com манбасидан олинган маълумотларга кўра, 1967 йили ишлаб чиқарилган. Бу борадаги дастлабки омадли қадам донгдор IBM фирмаси лаборатория-

рарди. Шунинг учун ҳам олимлар дискетлар ўрнини босадиган ва ундан анча самаралироқ янги ихтиро-ни ҳавола қилди.

Компакт дисклар — ёруғлик тарқатувчи пластикдан иборат юпка қурилма. Маълумотлар унинг хотира сатҳига компьютер лазер нури орқали ёзилади. Бу турдаги дисклар CD (compact disc)-диск номи билан барчамизга маълум. Англаганингиздек, CD-дискларнинг кейинги авлоди DVD-дисклар саналади.

Компакт дисклар аввалига фақат рақамли аудио-



Махсус интеграл қурилма ўрнатилган жойдан туриб чип кўйилган объект ҳақидаги атрофлича маълумотларга ўша вақтнинг ўзидаёқ эга бўлиш имконини беради. "PC Card" (I тип картаси) PCMCIA ғояси асосида ўзига хос тарзда яратилди. Улардан 1990 йиллар бошидаёқ турли мақсадларда фойдаланилди.

Кейинроқ бу карталардан кўра кенгроқ имкониятларга эга флешкалар пайдо бўлди: "CompactFlash", "SmartMedia" ва "Miniature Card" каби йирик фирмалар ўз маҳсулотларини оммага тақдим этишди. Бундай хотира манбалари фақат мобил телефонлар учун эмас, балки фотоаппарат, видеокамералар учун ҳам хизмат қилмоқда. 2001 йили бу борадаги илмий изланишлар жуда ҳам омадли яқунланди. Бозорларни рақамли фотоаппаратлар, видеокамералар босиб кетди. Бундай замонавий технологиялар билан ишлаш жуда қулай ва энг муҳими, улкан имкониятлар эшигини очди.

2005 йилдан SD/MMC картаси «SmartMedia» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган кичик қурилма ўрнини эгаллади, кўп ўтмай, «Memory Stick» ва «CompactFlash» билан жиддий рақобатга киришди. Кино саноатида улкан муваффақият қозонган PC card(PCMCIA)нинг хотираси ҳайратланарли даражада. Орта қолган 2010 йилга қадар янги русумдаги телефонлар учун юқори кўрсаткичга эга микро-SD флеш картаси ҳам яратилди. Биринчи бўлиб «Sony» ҳамда «Olympus» компаниялари "SD-Card"ни ўз маҳсулотларида синаб кўрди.

Бугун аниққас таълим соҳасини компьютер технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Энг замонавий ва илгор ўқитиш усуллари айнан шу технологиялар билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, ҳар бир оммалашган коммуникацион воситалардан илк навбатда педагогларимиз яхши хабардор бўлиши лозим.

Бир сўз билан айтганда, ахборот сарфлари қурилмаларга бўлган талабимиз фурсат ўтиши билан ортса ортадики, сира камаймайди.

Шаҳина ЖўРАЕВА
тайёрлади.

ИХЧАМ ВА ҚУЛАЙ "ХОТИРА"

Бинобарин, янгилик яратилганда ултусул интилишлар, оламшумул кашфиётлар қилишга бўлган саъй-ҳаракатлар одамзоднинг тафаккур имкониятлари нечоғлик кенглигини исботлайди.

Хусусан, жараёнда деярли барчамиз жуда қулай "ёрдамчи" деб ҳисоблашга кўникиб улгурган "флеш карта" (флешка) сингари ахборот сақловчи бежирим маҳсулот маълумотларни сақлаш, узатиш, қайта ишлаш каби мураккаб вазибаларни осонликча, қисқа вақт ичида бажара олиш имконини яратди.

Бунинг натижаси ўлароқ, олимлар кун сайн ихчам, бироқ имконият даражаси кенг, самарадорлиги юқори бўлган ихтиролар устида ишлашмоқда.

Атиги икки йил муқаддам ушбу флеш-карталар жуда кичкина хотира сифмига, аниқроғи, уларнинг энг йириги бор-йўғи 1 Гб. ҳажмдаги маълумотни сақлаш имконига эга эди.

Компьютерлар учун яратилган флеш-хотира қурилмаси бир томондан истеъмолчилар талабини қондираётган бўлса, бошқа тарафдан электрон воситаларни ишлаб чиқарувчи компанияларга кам харажат эвазига кўп даромад олиш имконини яратиб бермоқда.

Бирок соҳанинг етук мутахассислари яқин-яқингача «флешка» ишлаб чиқарувчиларга маҳсулоти борасида танқидий фикрларни билдиришарди. Гап шундаки, ҳозирда жуда кўп қулайлик ва афзалликларга эга бўлган ушбу қурилма-

Шиддат билан олдинга югураётган вақт замонавий ихчам флеш-хотираларни яратиш талабини қўймоқда. Шундан келиб чиқиб, ушбу йўналишда илк лойиҳани машҳур "SanDisk" компанияси ўз кўлига олди. 1995 йили Компакт флеш-дисклар ишлаб чиқариш ассоциацияси (CFA — CompactFlash Association) ташкил этилди. Бу ассоциация таркибига бугун "Canon", "Eastman Kodak Company", "Hewlett-Packard", "Hitachi Global Systems Technologies", "Lexar Media", "Renesas Technology", "SanDisk" ва "Socket Communications" сингари жами 200 дан ортиқ компьютер ва электроника саноатининг етакчи корхоналари кирган.




Ушма олимлари томонидан олиб борилган илмий изланишлар самараси ўлароқ, флеш-хотиралар хотира сифими кенгайиб, замонавий дизайн ҳамда ихчам шаклни ўзида акс эттира бошлади ва қизгин бу жараён ҳозир ҳам бир зум тўхтаб қолгани йўқ.

сида Алан Шугарт бошчилигидаги тадқиқотчи-олимлар гуруҳи томонидан юмшоқ дискларнинг ихтиро қилиниши билан қўйилган. Бу ихтиро "floppy disk" («эластик диск») деб номланганди. Чунки у эгилувчанлиги боис ташқи таъсирларга чидамли эди. Унинг уст қисми ҳозирги дискетлардагидек пластмасса билан эмас, балки чарм мато қопламаси билан ўралганди.

1981 йилдан бошлаб "Sony" фирмаси диаметри 90 мм.ли дискетларни жаҳон бозорига олиб кирди ҳамда флешка кўринишидаги "хотира"ларнинг янги-дан-янгисини истеъмолчиларга тақлим этиш бўйича ўзига хос "кимўзар"ни бошлаб берди.

Мазкур дискетларнинг дастлабки авлодларига тегишли хотира ҳажми 720 килобайтни ташкил этарди. Бундан биринчи бўлиб 1984 йилда "Hewlett-Packard" фирмаси ўзининг "HP-150" сўмули компьютерларида фойдаланди. Кейинчалик эса хотира ҳажми 1440 килобайт ва 1,40 мегабайтни ташкил этувчи дискетлар ҳам сотувга чиқарилди.

Уша вақтларда дискетдан фойдаланишда дуч келинадиган асосий муаммо — бу уларнинг узоқ муддат хизмат қила олмаслиги эди. Дискетларнинг тез фурсатда устки темир-магнитли қисми шикастланарди. Магнитли томон кучсизланиши оқибатида дискетлардаги маълумотларнинг сақланиш муддати қисқа-



ёзувларни сақлаш мақсадида чиқарилганди. Кейинчалик уларнинг такомиллашган янги авлодлари ихтиро қилина бошланди. Ҳозирда уларнинг CD-R, CD-RW, DVD, DVD-RW сингари турлари кенг тарқалган.

Компакт дисклар биринчи марта 1979 йили "Philips" ва "Sony" компаниялари томонидан ихтиро қилинган. 1982 йилда эса Германиянинг Лангенхаген шаҳрида компакт дисклар ишлаб чиқарувчи завод ишга тушди. Илк муслиқий ҳужжатлар (файл) сақланган компакт диск 1982 йили харидорлар эътиборини ўзига жалб эта бошлади.

Шунингдек, "Secure Digital Memory Card" (SD) — рақамли фотоаппарат, мобил телефон ва бошқа техник воситалар учун яратилган махсус ихчам хотира картаси ҳам мавжуд. Ушбу мослама 2001 йили «San Disk» фирмаси томонидан MMC-карталар асосида яратилди. SD карталарнинг ўлчами 24x32x2,1 мм. SD карталар ўзида сақланган маълумотларни беғоналар томонидан рухсатсиз кўришга барҳам беради. Баъзан бу ихчам мосламани MMC-карталар билан алмаштириб фойдаланиш мумкин. SD карталарнинг хотира ҳажми ҳозирда 8 МБдан 8ГБ.гача бўлиши мумкин.

Чип — ярим ўтказгич ёки диэлектрик пластина кўринишидаги аҳойиб қурилма.

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА НИМА САБАБ БУЛГАН?

Олимлар ўтган асрнинг 70-йилларида Атлантика океанининг шимолий қисмида ҳарорат бир неча йил давомида аввалгига нисбатан 0,3 даражага совиганини аниқлашди. Уларнинг фикрича, мазкур ҳолат ўша пайтда бутун шимолий яримшарда кузатишган иқлим совиши ва ўртача ҳаво ҳароратининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда кечган. Мавзуга бағишланган мақола «Нейчэ» журналида чоп этилди.


Океан устки қатлам сувларининг бундай совиб кетишига ҳозирча Атлантика океани шимолий қисмига бирданига катта миқдорда чучук сув оқиб келиши сабаб бўлган, деб тахмин қилинмоқда. Маълумотларга кўра, қисқа муддатли иқлим совиши 1968 йили бошланиб, 1972 йилда океан ҳарорати метёрий кўрсаткичда бўлган.

— Ушбу совиш ҳолати Атлантика океани пастки сув қатламидаги шўрлик даражаси пастлиги билан бирга кузатишган аниқланди. Бу ҳолат эса, ўз навбатида, сув зичлигининг ўзгаришига олиб келган, — дейди Атмосфера тадқиқотлари илмий маркази (Ридинг, Буюк Британия) олими Роан Саттон. — Натижада, сувни шимолий қисмга ҳайдайдиган илиқ устки океан оқимлари ва жануб томонга ҳаракатланувчи чучук сувни оқимларида қатор ўзгаришлар рўй берган.

Этиборлиси, шу пайтгача олимлар ўтган асрнинг 70-йилларидаги қисқа муддатли иқлим совиши атмосферага азроёл зарраларининг катта миқдорда чиқарилиши билан боғлиқ, деган фикрда эди. Негаки, улар куёш нуралини тўсиб қўйиб, оқибатда Ер юзасидаги ҳаво ҳарорати пастлишига сабаб бўлиши мумкин эди. Аммо сўнгги изланиш тўғрисидаги эндиликда иқлим ўзгаришига океан таъсири бўлган, деган фикр ўз тасдиғини топиши мумкин. Агар мутахассислар илгари сураётган мазкур қараш, яъни иқлим ҳароратининг ўзгариши, океандаги сувларнинг айланиши ва чучук сув миқдорининг кўпайишига боғлиқлиги тасдиқланса, у ҳолда нисбатан аниқ иқлим моделлари яратилиши ва сайёра иқлимининг келгусидаги ўзгаришларини олдиндан айтишга имкон туғилар экан.

5-10 МИЛЛИОН ЁШЛИ ЎРМОН

Арктиканинг Канадага қарашли ҳудудида, аниқроғи, Шимолий кутб оролларида бири Элсмирда Миллий парк ходимлари қадимий мўйиланган ўрмон қолдиқларини топишди. Таъкидлаш жоизки, аяни пайтда мазкур ҳудудда, атиги бир неча пастлаб ўсувчи дарахтлар кузатилади. Бу ҳолатнинг сабаби эса ҳудуддаги ҳароратнинг ўта пастлиги билан изоҳланади, дейилади nauka.km.ru электрон саҳифасида.



Мутахассислар изланиш пайти аяни ҳудудда ўтмишда ўсган эни ва узунлиги бўйича катта ҳажмдаги дарахт қолдиқларини топишган. Кейинги тадқиқотлар эса бу каби катта-катта қадимий дарахтлар ҳудуднинг деярли барча қисмида ўсгани аниқланди.

Олимларнинг сўзларига кўра, кутб ҳудудидаги ўрмон бундан тахминан 5-10 миллион йил илгари ўсган экан. Табиийки, дарахтларнинг катта бўлиши учун Арктикада ҳозиргига нисбатан анча иссиқ ҳарорат ва иқлим талаб этилган.


Дарахтларнинг неча йил ўсганини тадқиқотчилар одатдагидай унинг танасидаги ҳар бир йилни билдирувчи ҳалқаларга қараб аниқлашди. Уларга кўра, дарахтлар ўртача 75 йил яшагани маълум бўлди. Шу билан бирга, айнан шу ҳалқалар тўғрисида олимлар бу дарахтлар ўша вақтда ҳам нисбатан жуда секин ўсганини билиб олишди.

ЎТА ЭГИЛУВЧАН МИКРОСХЕМА

Токио университети олимлари Макс Планк номидаги Берлин институти тадқиқотчилари билан ҳамкорликда ўта эластик ва ингичка микросхема яратишнинг уддасидан чиқишди. Бу ҳақида «Сайнс Ньюс» манбасида маълум қилинди.

Микросхеманинг қалинлиги 2 нанометрга тенг. Эйтиборлиси, ушбу микрочип органик моддалардан тайёрланган. Илмий янгиликни ишлаб чиқишда эса асосий материал сифатида қалинлиги 12 микрометрга тенг полиамид қатламдан фойдаланилган. Умуман, микросхема 26 микрометр қалинликда бўлиб, уни 0,1 миллиметр радиусида эгиш мумкин.

Ишланма муаллифларининг гапларига қараганда, янги турдаги микросхеманинг қўланиши соҳаси жуда кенг. У эгилувчан дисплей (экран) ва табиий жиҳозларни яратишда аяниқса кўл келади.



МИЯДА «ДИЛКАШЛИК МАРКАЗИ» ТОПИЛДИ

Бостон ва Ҳарвард университетлари олимлари ўзига хос тажриба ўтказишди. Аниқроғи, улар ёши катта инсонларни тажрибига жалб қилиб, уларнинг миёна қурилишини батафсил ўрганишга ҳаракат қилган. Жараёнда тадқиқотчилар иштирокчиларнинг турли миёна қисмлари тузилишига ўзига хосликларни уларнинг ижтимоий тармоқларда мулоқот қилувчи дўстлари, доимий алоқада бўладиган атрофидаги танишлари сони билан таққослаб ўрганган, деб ёзади «Нейрсайнс» илмий журнали.

Яқунда неврологларнинг тадқиқотида таянган ҳолда инсон миёнада «дилкашлик маркази» бўлиши қайд этилди. Шунингдек, инсоннинг ҳамиятдаги фаоллиги ҳамда ижтимоий алоқаларга тортилганлик даражаси бевосита унинг ўнг ва чап миёна яримшарларида жойлашган бодомсимон қисмлар ҳажмига боғлиқ экани ҳам аниқланди. Олимларнинг таъкидлашича, мазкур бош миёна қисмлари фаолияти ҳиссий идрок вазифасини бажаришда иштирок этар экан.

Аяни пайтда тадқиқотчилар фаол ижтимоий турмуш тарзи инсон миёнада ушбу қисмларнинг катталашшига олиб келадики ёки «тактомиллаштиради» деган саволларга жавоб топганича йўқ. Лекин изланиш орқали шу нарса ўз тасдиғини топдики, тажриба катнашчиларнинг бодомсимон миёна қисмлари ва реал ҳаёт ёки ижтимоий мулоқот тармоқларидаги дўстлари сони ўртасида боғлиқлик бор.



ОН-ЛАЙН ОВОЗ ЁЗИШ СТУДИЯСИ

Юксак технологиялар соҳасида изланиш олиб бораётган мутахассислар шу кунларда фойдаланувчиларни яна бир қарра ҳайратга солди. Аниқроғи, улар музикаий композицияларни турли музикаий асбоблар товушлари ёрдамида ёзиш, қўшиқни бошқа сўз ёки овозга мослаб қайта ишлаш (оранжировка қилиш) имконини берадиган он-лайн платформани тақдим этди. Бу ҳақида «Компьюлента» манбасида хабар берилди.

Он-лайн овоз ёзиш студияси хизматидан фойдаланиш учун фойдаланувчилар «Ujam» лойиҳаси сайтида бепул рўйхатдан ўтиши талаб этилади. Шундан сўнг улар қўшиқларни қайта ишлашга имкон яратувчи мураккаб бўлмаган дастурдан фойдаланиши мумкин.

Мустақил равишда ҳали ўз музикаий ижод намунасини яратишни билмайдиганлар ҳам эйтибордан четда қолмаган. Улар аввалгига дастурга киритилган мавзуд музикаларнинг ўзгартирилган шакли — ремиксларни яратиш билан шуғулланиши мумкин. Шу билан бирга, «ақлли» дастур музикаий композицияни қайси тон (охангошлик)да ижро этиш борасида ҳам маслаҳатлар беради.


Маълумот ўрнида айтиш жоизки, он-лайн студия ишлаб чиқарувчиси океанортидаги Силикон водийсида жойлашган «Южэм» («Ujam») компанияси ҳисобланади. Ишланма муаллифларининг гапларига кўра, янги он-лайн студия фақат бундан қўнғилочар вазифани бажарувчи восита бўлибгина қолмай, балки техник жиҳатдан яримпрофессионал овоз ёзиш веб-студияси ҳамдир.

Аяни пайтда он-лайн студия сайти синов тизимида иш олиб борапти. Келгусида бир вақтнинг ўзида бир неча қўшиқни ёзиш имконини берадиган функцияни дастурга киритиш ҳамда қатор музика ёзишни ўргатувчи видео-дарсларни «YouTube» порталига жойлаштириш режалаштирилмоқда.



ЯНГИЧА ҲАРАКАТЛАНИШ ВОСИТАСИ

Испан табиёт ходимлари фалаж бўлиб қолган инсонлар ҳаётини яхшилаш, уларнинг қундалик ҳаётда, ҳаракатланишда мустақил бўлиши учун ўзига хос қулай ускунани ишлаб чиқишди. «Кмньюс» манбасида келтирилишича, мутахассислар томонидан яратилган мазкур ҳаракатланиш воситаси имконияти чекланган одамларга туриш, юриш ва ҳаттоки зинадан кўтарилиш имконини берадир экан.



Тузилиши жиҳатидан у бир неча аккумулятор, кўплаб сезувчан ускуна(датчи)кўлар ва компьютерлашган тизим қўринишидаги қурилма бўлиб, осонликча қўл сумкасига жойлашади. Унинг ишлаш таъмили эса куйидагича: сезувчан ускуналар ёрдамида инсон миёнада электр токи билан ишлайдиган ҳаракатланувчи қисмларга импульслар жўналади. Қурилманинг аяни шу қисмлари одамга ҳаракатларни бажаришга қўмаклашади.

«АҚЛЛИ» ҲАРАКАТ

Шотландиялик олимлар озиқ-овқат сифатини назорат қилувчи қопламани ишлаб чиқишди. «Дейли Мэйл» нашрида хабар берилишича, бундан янги турдаги қопламадаги егулик сифати бузилса ёки аяниб қолса, унинг ранги махсус материал таъсирида ўзгарар экан.

Глазгодаги Стратклайд университетининг илмий ходимлари томонидан яратилган махсус материал ва ундан тайёрланган «идиш» эндиликда чиндан ҳам озиқ-овқат санъатидаги қатор муаммоларни ҳал этиши кутилмоқда. Негаки, келгусида аjoyиб полиэтилен ёрдамида озиқ-овқатдан захарланиш ва маҳсулотларнинг беҳуда исроф бўлишининг олди олинади. Бу мамлакат иқтисодиёти учун ҳам муҳим, чунки биргина Бирлашган қиролликда ҳар йили тонналаб озиқ-овқат маҳсулотлари кўпгина текширилмай сифати яроқсиз дея чиқиндида чиқарилади. Табиийки, бундай исрофгарчиликнинг иқтисодий зарари катта экани га-зетада келтирилган.

Қолаверса, янги турдаги полиэтиленни ишлаб чиқариш кам харажат талаб этар экан. Ундан тайёрланган қопламадан фойдаланиш эса маҳсулот ёрлиғига яроқлилик муддатини ёзиш ва шу орқали унинг сифат даражасини текширишга нисбатан анча арзон тушиши ҳам таъкидланмоқда.



Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

«MAFTUNA MADINA»

хусусий корхонаси №1 06.01.2011 йилдаги ихтиёрий тугатиш қарорига мувофиқ иш фаолияти тугатилганлигини
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.
Кредиторлар талаби учун муддат 2 ой.
Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 11-мавзе, 10-уй, 6-хонадон.

Ергешева Зуҳра Шуқуровна номига 1996 йилда берилган 113874 рақамли диплом бекор қилинган деб ҳисобланган.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган яқна тартибдаги тадбиркор «Буранов С. Ю.»га тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Республика Таълим маркази жамоаси «Ихтисослашган таълим» бўлими бошлиғи Иноват Усмоновага волидаи муҳтарамаси
Хоназода я ТЖИМЕТОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕК НИМА ДЕЙДИ?

(Давоми.
Боши ўтган йилги сонларда.)

Ёмондан узоқ бўлиш, бирор фалокатга йўлиқмаслик даъвати:

— Қозонга яқин юрсанг, қораси юқади...

Ҳар нимарса ва одам зотиға оро, пардоз зарурлиги хусусида:

— Онангни отангга бепардоз кўрсатма...

Асли наслида, қонида бор салоҳият, истеъдод охириқибат рўбга чиқиши хусусида:

— Оққан дарё оқмасдан қолмас...

Ҳар ким ўзиникини маъқуллаши, хуш кўриши, макташи, табиийлиги хусусида:

— Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига...

Қочиш, беркинишнинг чегараси борлиги хусусида:

— Бузоқнинг югургани сомонахонагача...

Авлодлар ворисийлиги, умр давомийлиги хусусида:

— От ўрнини той босар...

Айбни, жиноятни яширишнинг фойдасизлиги тўғрисида:

— Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади...

Ишни охирига етказиш, машаққатдан қочмаслик хусусида:

— Қирқига чидаган қирқ бирига ҳам чидайди...

Сенинг ўйингдаги, тилагингдаги, сўровингдаги муаммога жавоб ҳозирлаб турган ҳамсўхбатта:

— Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди...

Бозор, харид, бориш-қайтиш маслаҳатида:

— Бозорга кеч бор, эрта қайт...

Меҳмон-излом, йигин-маъракага оч бормаслик хусусида:

— Тўйга борсанг, тўйиб бор, ёмонлигинг кўйиб(қолдириб) бор...

Тўйни муносиб қарши олиш, ҳиммат, совға-салом жўнида:

— Тўйга тўёна билан...

Тежамкорлик, тadbиркорлик, ҳар ишни расамади билан қилиш ҳақида:

— Кўп бўлса кетар, оз бўлса етар...

Қовунни полизда, тарс-тарс ёрилган вақтида, тонгда ейишнинг фойдаси ҳақида:

— Қовун есанг, сахар е, сахар еманг, заҳар е...

Ош-овқатни тагида қолдириш, еб тугатмаслик танқида:

— Ёмондан ёрти қошиқ...

Ёқимсиз қилик, фавқулудда ноҳушлик тўғдирган кимсага:

— Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ...

Шубҳа-ғумон билан хушёрликка чорлов:

— Бир балоси бўлмаса, шудгорда куйроқ на килур...

Ҳар ҳунарманднинг тақдири-аъмоли ўзи танлаган касб-корига боғлиқлиги тўғрисида:

— Дорбозники дордан, морбозники мордан...

Кутилмаган гап, воқеа-ҳодисага нисбатан:

— Томдан тараша тушгандек...

Меҳнатнинг самараси, ризқ-насиба манбаи эканлиги хусусида:

Ajdodlar odobi

— Қўли текканнинг оғзи тегар...

Тарбияли инсон тавозели бўлиши ҳақида:

— Тўх бошоқ эгилади...

Тоза мол, одам, воқеа-ҳодисанинг бунуқсон, аслиги хусусида:

— Аслининг хатоси йўқ...

Баҳонаю сабаб рўқаб қилиб, пайсалга солиб ишни кейинга сураверадиган кимсаларга:

— Бермаснинг оши пишмас...

Меҳмоннинг азизлиги, қадр-қиммати ҳақида:

— Меҳмон — атойи худо...

— Меҳмон отангдек улғур...

Меҳмоннинг синчковлиги, уйдаги сирни билиб олиши ҳақида:

— Меҳмон кам бўлар, кўп кўрар...

Мушкулликларсиз, осон, силлиқ битган ишга:

— Хамирдан қил суғургандек...

Маҳмуд САТТОР

(Давоми бор.)

Ижтимоий муаммо

Кишилар орасида семириб кетиш, танани ёғ босиши қадим-қадимдан касаллик аломати сифатида қаралган. Гален, Гиппократ, Цельс ва Ибн Сино каби жаҳонга машҳур ҳақимлар семириб кетиш сабаблари ва унинг давоси билан шуғулланганлар.

Ўзбекистонда семизликнинг тарқалиши қандай? Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Эндокринология институти олимларининг олиб борган тадқиқотларига кўра, семизлик ёшлар (боғча, мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари), яъни 5—18 ёшлилар орасида 8—10 фоизни ташкил қилар экан.

Бунга ҳозирда углеводли овқатларнинг турмуш тарзимида оммавий равишда кириб келганини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Енгил ҳазм бўладиган бундай овқат турлари умумий овқатланиш ти-зимидagi қаҳвахона, бар, ошоналар таомномасидан кенг ўрин олиб, шунга мувофиқ жисмоний ҳаракатнинг пасайиши ҳам аниқланмоқда. Болалар танаси оғир вазнга эга бўлиши уларда гормонал ўзгаришлар пайдо бўлишига шарт-шароит тўғдириб, уларнинг жисмоний ва жинсий ривожланишини секинлаштириб қўяди.

Илмий изланишларимиздан яна шу нарса маълум бўлдики, вазн ортиқлиги болада руҳан тушқунлики ҳам келтириб чиқариши мумкин. Уларни тенгқурлари ҳар хил лақаб билан чақирishi ёки семизликка дучор бўлган қизлар жисмоний тарбия дарсида фаол қатнашмайди. Натигада улар синфдошларидан ажралиб қолади. Ота-оналари эса бунга бефарқ қарайдилар. Агар улар ўз вақтида педиатр, эндокринологга бориб, кўриқдан ўтказилса муаммо бартараф этилади.

Семизлик сабаблари

Юқорида айтганимиздек, кўп овқат истеъмол қилиш, кам ҳаракатда бўлиш семизликни келтириб чиқарадиган асосий омиллар ҳисобланади. Бола-сини бўктириб овқатлантираётган ёш оналар бу иллат учун замин яратаятгани ҳақида ўйлаб кўрмайдилар.

Бола организмни ёғ босишига танада ёғ тўқимаси мас-сасининг ортиши сабаб бўлади. Одамдаги ёғ тўқимаси одатда беҳисоб ҳужайралардан иборат бўлиб, шакли худди узуқка ўшайди. Бу ҳужайралар адипоцитлар деб аталади ва ўз

ОРТИҚЧА ВАЗН

унинг келиб чиқиш сабаблари, белгилари ва профилактикаси

цитоплазмасида ёғ тутади. Танадаги ёғнинг 95 фоизи ёғ тўқимасига ўрнашган. Бу тўқима қон билан мўл таъминланади ва моддалар алмашину-вининг бузилиши билан харак-терланади. Ёш болада, катталарга ўхшаб ёғ тўқимаси икки хил — кўнғир ва оқ рангда бўлиб, ўз тузилиши ва ранги билан ажралиб туради.

Адипоцитлар миқдори одат-да турғун нисбатда бўлиб, ўғил болаларга қараганда қизларда кўпроқ. Текширишларда семиришнинг гипертрофик тури аниқланган. Ёғ босиш асида адипоцитлар ҳажмининг катталашувиға боғлиқ. Гиперпластик турда эса организмдаги адипо-цитлар сони ошади. Улар ҳажми ва сонининг ортиши бола организмда модда алма-шинувининг бузилишига сабаб бўлади. Бу инсулинга сезгир-лигининг сустайиши, глюкоза-нинг кўплаб истеъмол қилини-ши, қонда ёғ ва инсулин миқ-

дорининг ошиши билан харак-терланади.

Семизликни келтириб чиқарувчи иккинчи омил, табиий-ки, нафсни тия олмасликдир. Албатта, юқори калорияга эга таомлар ўз таъсирини кўрсата-ди, бола семириб кетади.

Ҳозирги вақтда компьютер қаршисида соатлаб ўтириш ҳам ёшларда ортиқча вазн пайдо қилмоқда. Компьютер қарши-сида ўтирган кишида таом ҳазм бўлмайди, танада ёғ тўпланади.

Касалликка қарши кураш қанчалик олдин бошланса, шунчалик соз. Агар бу иллатга бефарқ бўлинса, юрак, ўпка, жигар, жинсий аъзолар, буй-рак, тери системасига ҳам зар-рар етказилади.

димлари экан-лиги мақтовга сазовордир. Ҳозирги кунда бу жадвалдан шифокорлар кенг фойдаланишмоқда.

Қандай бартараф этилади?

Спорт семиришга қарши энг самарали ва қулай омил-дир. Ўз ўрнида таъкидлаш жо-изки, ёшлиқдан болани пар-ҳез тутишга ўргатиш маъқул восита эмас. Герболайф, кофе ичиш, умуман оч қолиш усул-лари бола организмга салбий таъсир қилиши исботланди. Ота-оналар «тадбиркор»лардан

Тўғри вазн формуласи

Ҳозирги кунда олимлар ва шифокорлар семизликни аниқлаш учун махсус форму-ладан фойдаланадилар. Буни ҳисоблаш учун бутун дунёда ТОК, яъни тана оғирлиги кўрсаткичи қабул қилинган. Кўйидаги формула ёрдамида боланинг вазни кўп ёки камли-гини билиб олишини мум-кин: ТОК, вазн (кг): буй м². Ай-тайлик, ёш йигитнинг вазни 90 кг, буйи 1,68 см. Демак, ТОК— 90/1,68 X1, 168 32,1. Кўриниб турибдики, бу йигит 1-даража-ли семизликка чалинган.

Балоғат ёшига етган қиз ва ўғил болаларнинг ўртача ёшига қараб, қандай жисмоний кўрсаткичга эғалигини аниқлаб берадиган жадваллар мавжуд. Ўрта Осиёда биринчи бўлиб бу жадвални ишлаб чиққан олим-лар Тошкент шаҳридаги эн-докринология институти хо-

катта пулга Япония, Таиланд, Хиндистон, Эрон, Малайзиядан ноқонуний йўл билан олиб ке-линаётган дориларни, мал-ҳамларни сотиб олишади. Бу препаратларнинг бир қисми гўзаллик салони ходимлари томонидан оналарга тавсия қилинмоқда. Бу таблеткаларни ўз фарзандларига ичирётган оналар хато қилганини англаб етишмоқда. Бундай воситалар текширувдан ўтказилмаган, қалбаки ишланган, уларнинг фўйдасидан кўра зарари кўпчилигини ҳеч қачон унут-маслигимиз керак.

Ҳозирги пайтда семизликка дучор бўлган болаларни ка-салхона шароитида ҳам, поли-клиника, ҚВП шароитида ҳам даволаш мумкин.

Семизликнинг ҳозирги кун-да тўртта даражаси белгилан-ган: биринчи даража — нормал вазнининг 30 фоиздан ортмай-лар, иккинчиси — 50 фоиз, учинчиси — 100 фоиз,

Salomatlik saboqlari

тўртинчисида нормал вазн икки ҳиссадан ортиб кетади.

Ҳеч қандай жисмоний иш билан шуғулланмай ўринда ётган ўспирин қиз ёки ўғил бола ором олаётган ҳолатида 1200дан 1800 ккалгача энергия сарф қилади. Нормада эса гавда вазнининг килограммига 1 ккал энергия керак. Демак, ёш боланинг вазнига қараб, унга қанча калория керак бўли-шини ҳисоблаб чиқиш осон.

Истеъмол қилинадиган овқат калорияси, яъни қуввати, энергетик қиммати анча паст (1800-2000 ккал) бўлиши ло-зим. Шундагина бола организ-мидаги ёғлар парчаланиб, ор-тиқча оғирлик йўқола бошлай-ди. Таом таркибда углеводлар кам бўлиб, оқсил ва витамин-лар кўп бўлиши керак. Овқат-ни доимий равишда ўсимлик ёғида пиширган маъқул. Овқат-ланишдан олдин кўп миқдорда тайёрланган аччиқ-чучук, ҳар хил салатлар ейилса, мақсадга мувофиқдир. Ошқозон тўлиб, қорин очлиги йўқолган, киши-нинг иштахаси ҳам пасаяди.

Ҳафтасига икки марта озиш кунларини уюштириш ло-зим. Ушбу кунларда кўк олма, қоқоқ, бодринг, сабзиди хом-лигича ейиш керак. Масалан, 2 кг. аччиқ, кўк олмани (ширин навлари тўғри келмайди) ку-нига беш қисмга бўлиб, фақат шу маҳсулотни истеъмол қилиш тавсия этилади. Эрта-лабки бадантарбия ва жисмо-ний меҳнат билан доимий ра-вишда шуғулланиб туриш ло-зим. Узоқ вақт пиёда юриш ҳам жисмоний ҳаракатга қиради.

Юқоридаги маслаҳатларга тўла риоя қилсангиз, фарзанд-ларингизнинг қомаги ҳамisha хушбичим, кайфияти аъло, қадамлари енгил, соғлиги мустаҳкам бўлади.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббёт фанлари доктори

ФУТБОЛ СУРОНИ "УЙФОНДИ"

Кеча футбол бўйича Қатар пойтахти Дохада навбатдаги XV Осиё Кубоги ўйинларига старт берилди. Унинг очилиш маросими якунланган, майдонда "А" гуруҳи вакиллари, яъни мезбон юрт терма жамоаси ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўртасидаги матч бўлиб ўтди.

Маълумки, мазкур нуфузли биринчилик ҳар тўрт йилда бир марта ўтказилади. 2007 йили Индонезия, Малайзия, Таиланд ва Вьетнамдаги стадионларда кечган чемпионатда футболчиларимиз чорак финалга қадам етиб борган ва ярим финал учун ўтказилган баҳсда мағлубиятга учраганди.

Терма жамоамиз бош мураббийи Вадим Абрамов ўйин ара-

фасида журналистларга берган интервьюсида футболчиларимиз тайёргарлиги борасидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

— Ҳамма гап ўзимизнинг ҳаракатларимизга боғлиқ, — деди у. — Биз илк учрашувимиз айнан мезбон юрт жамоасига қарши ўтказилишини инобатга олиб, уларнинг сўнгги вақтдаги



расмий ва ўртоқлик учрашувларини синчиқлаб кузатдик. Жамоа Европа футболу усулида ҳаракат қилаётгани биздан тезкорликни талаб этади. Уларнинг ҳужум чизиги чиндан ҳам кучли шакллантирилган. Лекин нима бўлганда ҳам ҳар қандай жамоа дастлабки ўйинда

зафар қозонишни мақсад қилади.

Вакилларимиз ўрин олган биринчи кватердан яна Кувайт ҳамда Хитой терма жамоалари ҳам ўрин олган. Айрим мутахассислар қатарликларни гуруҳдаги яққол пешқадам деб аташмоқда. Жамоамиз плей-оффга олиб чиқувчи йўлланмани қолган икки рақиб билан ҳал қилишни таъкидлашмоқда.

Осиё кубоги баҳслари ўтказилиши учун бешта: "Халифа", "Ал-Фарафа", "Қатар", "Ал-Райан" ва "Ас-Саад"

ўйингоҳлари ажратилди. Чемпионатнинг марказий ўйини — финалга мезбонлик қилиши режалаштирилаётган "Халифа" халқаро стадиони мамлакатда энг йирик иншоот саналади. Хабарингиз бор, йирик мусобақани очиб берувчи дастлабки ўйин ҳам айнан "Халифа" стадионида ўтказилди.

Умид қиламизки, миллий терма жамоамиз аъзолари Арабистон ярим оролида бошланган катта футбол байрамида том маънода матонат ва шижоат намуналарини кўрсатиб, пировардида юртимизга ёруғ юз билан қайтишди. Футболчиларимиз Қатардаги учрашув, машгулотлар ва маданий тадбирларга олиб бориш учун уларга бириктирилган автобусга ёзилган ҳаётий шиорни унуттишмаса бўлгани: "Куч — бирликда!".

Зоҳиджон ХОЛОВ



МУАЙТАЙЧИЛАР ГИЛАМДА

Самарқанд шаҳридаги «Сўғдиёна» спорт мажмуасида спортнинг муайтай тури бўйича 1994-1995 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида вилоят очик биринчилиги ўтказилди. Унда Самарқанд шаҳри, Тошкент шаҳри, Сурхондарё вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида келган 100 нафарга яқин спортчи голиблик учун куч синашди.

Кизиқарли ва шидатли кечган мусобақа якунида қатор спортчилар ўз вазн тоифаларида

голибликни кўлга киритди. Хусусан, Самарқанд шаҳри спортчиларидан Ёқуб Розии-

қов, Шоҳжаҳон Хўжамуродов, Анвар Шамсиев, Абдусамад Пиримов, Тимур Жабборов, Шоҳфариз Азимов ва Сафарали Азимов биринчи ўринни кўлга киритди. Шунингдек, Тошкент шаҳри спортчиларидан Раҳматилло Турғунов, Санжар Абдуваликов ва Дониёр Ваҳобов ўз вазн тоифасида тенгсиз деб топилди. Қорақалпоғистон Республикаси-

дан ташриф буюрган муайтайчилардан Илҳом Абдуганиев ўз вазни бўйича голиб чиқди.

Мусобақада голибликни кўлга киритган спортчиларга ташкилотчилар томонидан диплом, медал ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Мамажон АҲМЕДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАСИ ДАВОМЧИСИ

Murabbiylik orzusi

Ҳар қандай галабанинг замирида тинимсиз ҳаракат бор. Кечагина машгулотларга қатнаб юрган Умида ҳам чемпион бўлиши, мураббийлари Чаршам Тажмуродов, Мурод Дусамбетов каби энчил, чакқон курашчи бўлишни ният қилган эди. Бугун эса у чемпион, шу билан бирга, шогирдларига ўрнатган мураббийдир. Амударё туманидаги 2-болалар спорт мактабида фаолият бошлаган Умида Матёкубова уни бу поғонага спортга бўлган меҳри ва устозлик орзуси етаклаганини кўп бора таъкидлайди.

7 ёшдан дзюдо билан шугулланиб юрган спортчи қиз аста-секинлик билан йирик спорт мусобақаларида ҳам иштирок эта бошлади. Вақти келиб мамлакат миқёсида ўтказилган мусобақаларда унинг иқтидори яққол кўзга ташланди. Кейинчалик Умида спорт сирларини ўрганиш, тажриба ошириш мақсадида Республика Олимпия захиралари коллежида таълимни давом эттирди. Бу орада 6 карра Ўзбекистон чемпиони бўлди. Хатто халқаро миқёсдаги мусобақаларда ҳам у спорт мутахассислари эътиборини қозонди. Ёш спортчи 2007 йили Украинада ўтказилган халқаро турнирда 2-ўринни эгаллади. 2008 йили Туркиядаги жаҳон чемпионатида

бронза ва 2009 йили Осиё чемпионатида олтин медалга эгалик қилди.

Бугун мураббийлик фаолиятини бошлаган бўлишига қарамай, шогирдларининг барчаси ёш мураббийни бирдай ҳурмат қилиб, сабоқларига катта қизиқиш билан келади.

— Мураббийимиз машгулотларни ўта талабчанлик билан ўтади, — дейди шогирдларидан бири Отабек Бозорбоев. — Шунингдек, ҳозирги ҳаракатларимиз келажакдаги ютуқларимиз учун замин эканини кўп таъкидлайди.

Кувонарлиси, Умида Матёкубова шогирдлари жорий йилда Навоий шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган ўсмирлар ва қизлар

ўртасидаги мусобақада фаол иштирок этди. Улардан бири Кундуз Каримова 48 кг. вазн тоифасида 3-ўринга лойиқ топилди. Отабек Бозорбоев эса дзюдо бўйича Қорақалпоғистон Республикаси чемпиони бўлди. Умиданинг ўзини суҳбатга торганимизда, у қуйидаги фикрларни билдирди:

— Мен устоз-шогирд муносабатларини бир занжирга ўхшатаман. Олимпия захиралари коллежидаги устозим Владимир Касухиндан дарс олдим, яъни натижаларга эришдим. Энди эса олган билимларимни тажрибалар билан бойитиб болаларга ўргатайман. Шу ўринда барчага аён ҳақиқатни яна бир карра таъкидламоқчиман: иқтидори йўқ боланинг ўзи бўлмайди. Мен ҳам шогирдларимнинг ичида ҳали жаҳон чемпионилари етишиб чиқишига умид қиламан, бу ниятга эришиш мақсадида тинимсиз ҳаракат қилишга тайёрман. Кун келиб улар ҳам ёш болаларга мендан олган сабоқларини бойитиб дарс ўтса, не ажаб.

Санобар ЖУМАНОВА, «Ma'rifat» мухбири



ПРОДАПИ ГАЛАБА

Американинг Баффало шаҳрида ёшлар ўртасида хоккей бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида россиялик ёш спортчилар канадалик тенгдошларига қарши кечган драматик матчида продалри галабани кўлга киритишди.



Дастлабки икки таймда 0:3 ҳисобида ортда қолаётган рус хоккейчилари учинчи таймда чинакам сенсация сабаб бўлган ўйинни намойиш этди. Ортиқча хотиржамликка берилган канадаликлар дарвозасини кет-

ма-кет беш марта ишғол этди. Россиялик ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати финалида 10 йилдан бунён бахрланишди. 1-ўрин дом канадаликларга насиб этарди. Россия терма жамоаси сўнгги бор 2003 йилда чемпионликка эришилганди.

СЎНГИ СОНИЯЛАР ҚАДРИ

Германиянинг Оберхоф шаҳрида биатлон бўйича ўтказилган жаҳон кубоги эстафетасининг тўртинчи босқичида Германия жамоаси галабага эришди.

"Новостин" манбасининг хабар қилишича, Чехия жамоаси аъзоси Миксаил Шлезингер финиш чизигига яқин қолганда, норвегиялик рақиб Биордалендан ўзиб келиб, ўз жамоасига иккинчи ўринни тақдим этди.



Сўнгги сонияларда сустлашқанига йўл қўлган норвегиялик биатлончилар эса ўз-ўзидан учинчи ўринни эгалладилар. Эслаб ўтамиз, Оберхоф шаҳрида аёллар ўртасида ўтказилган эстафета пойғаси 6 январда старт олганди.

НАДАЛЬ РАҚИБНИН КУТЯПТИ

Испаниялик теннисчи, дунёнинг биринчи рақамли ракеткачиси Рафаэл Надаль Доха шаҳрида ўтказилаётган халқаро теннис турнирининг ярим финал йўлланмасини кўлга киритди.



У бешинчи рақам остида корта тушган латвиялик Эрнест Гулбис устидан 7:6 (7:3), 6:3 ҳисобида устун келди. Икки септа қўзилган шидатли матч 1 соат 51 дақиқа давом этди.

Маълумот ўрнида айтсак, Надаль ва Гулбис қарама-қаршиликка мухлислар шу билан тўртинчи марта гувоҳ бўлишди. Бахсларнинг аввалгиларида ҳам испаниялик теннисчи юқори кўрсаткични қайд этган.

Россиялик Николай Давиденко ҳамда хорватиялик Иво Карлович ўртасида кечини белгиланган баҳс голиб Надаль билан финал йўлланмаси учун кураш олиб борди. Турнирнинг умумий ютуқ жамғармаси 1 миллион долларни ташкил этади.

"ДАКАР" — ИШТИЁҚМАНДЛАР НИГОҲИДА

«Дакар» номи билан дунё автоспорт иштиёқмандлари диққатини бир ерга тортувчи машҳур авторалли Буэнос-Айрес шаҳрида январь ойининг дастлабки кунларида старт олгандан хабарингиз бор.

Аргентина мамлакатининг мазкур шаҳридан то Чилига қадам бўлган улкан масофада томошабинлар ҳар йилгидан кўплиги мутахассислар ва журналистлар эътиборини тортиди.



Ҳозирда кунига жами 250 минг нафарга яқин авторалли иштиёқмандлари айнан шу йўлнинг турли нуқталарида ҳозир бўлиб, тик турганча пойғаси кузатиб боришмоқда.

Шу боис Авенида номи берилган бу ралли ўтказилувчи йўл кенглиги ва муҳлислар миқдори бўйича «Гиннеснинг рекордлар китоби»га киритилди.

Ш.ЖҲҲҲҲ тайёрлади.

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ректорати,

профессор-ўқитувчилари ва талабалари жамоаси барча
юртдошларимизни, республикамиз таълим ва фан тизимида
меҳнат қилаётган фидойиларни, муҳтарам ўстоз ва
мураббийларни Янги 2011 йил билан муборакбод этади!
Янги йилда Сиз азизларга энг эзгу тилаklarимизни йўллаймиз.
Барчага омад ва зафарлар ёр бўлсин.



Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim va fan xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV
(mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA,
Husan NISHONOV (bosh muharrir
o'rinbosari), Ulug'bek TOSHKENBOYEV,
Nurlan USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"),
Aleksy CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учи-
тель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-122.
Tiraji 49688.

Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Sanjar RUSTAMOV.

Navbatchi:
Sherali NAMOZOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan
materiallar muallifga qaytarilmaydi.



belgisi ostida reklama materiallari beriladi.
MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,
oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi
— 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti
yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,
xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonada manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
Yil axami — 20.40